Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

28 сон 13—19 июл, 2006 йил

ГЎЗАЛ ҚАЛБ СОҲИБАСИ

Мақсудга етурда жон фидо қилғил,
Тошни гуҳар этган ишни иш билғил,

дейдилар. Олмахон Хўжаниёзованинг ҳаёт йўлига қараб бу ҳикматнинг тагида қанчалик катта ҳақиқат ётганлигининг гувоҳи бўламиз.

...Унинг таржимаи ҳоли оддий - Тўрткўлда туғилган. Мактабни тугатди-ю, Нукусдаги тиббиёт техникумида таҳсил олди. Иш фаолиятини туман касалхонасининг аёллар хасталиклари бўйича жонлантириш бўлимида бошлади. Сўнг пахта тозалаш заводига қарашли боғчага ҳамшираликка ишга таклиф қилишди. Бу орада Нукус Давлат педагогика олийгоҳида сиртдан ўқиди. Унинг изланувчанлиги, болажонлар руҳиятини яхши билганлиги учун боғчага мудира қилиб тайинлашди. 320 ўринли, гулу чечакларга бурканган барча шароитлар муҳайё бу боғчага 2003 йилда "Сиҳатгоҳ типидаги махсус боғча" мақоми берилди. Бу даргоҳга қатнайдиган нуқсонли ва хаста болаларнинг саломатлигидан тортиб, кун тартиби, махсус таомномасигача қатъий назорат қилинади. Олмахон опанинг жонкуярлиги билан 3та каруселл, кичик ҳайвонот боғи, мевали боғ барпо қилиниб, болакайларнинг ҳаётига қувноқлик олиб келди.

...Олмахон опанинг турмуш ўртоғи Аминаддин оға (муҳандис эдилар) оламдан ўтганда ҳали фарзандлари ёш эди. Ҳаётнинг синовлари дилини эзса-да, "тушкунлик" деган азобни енголди. 320 бола ва 4 фарзандини ўйлаб, тадбиркорликка қўл урди. Аввал товуқ фермаси ташкил қилди. Сўнг бўйи чўзилиб, ёнига кирган ўғли Сарварбек билан 50 гектар ер олиб, пахта экди. Улардан келган даромадга рўзғорини бутлади, боғчани таъмирлади, болакайларнинг кам-кўстини тўлдирди. Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзди. Ахир савоб ҳам керак-ку! Раҳматли отаси Иброҳим оға 1961 йил биринчи бўлиб Тўрткўлга газ олиб келган, Нукус-Тўрткўл автойўлининг очилишига асос солган, эл ғамини еб ўтган инсон эди. Ҳатто уйдаги гиламларини ҳам камбағалга илинган саховатпеша одам бўлганлар. Онаси Ҳайитжон опа ҳам 7 фарзандни ўқитиб, одамларга керакли қилиб улғайтирдилар. Олмахон - шу савобталаб ота-онанинг фарзанди. Бу кун Олмахон опанинг фаолиятидан туман аҳли ҳам фахрланиб гапиришади. У хотин-қизлар қўмитасининг фаол аъзоси, муҳтожларнинг ғамхўри, меҳрибони. 4 фарзандини воягa етказиб, маърифатли қилиб элга қўшган. 9 нафар набиранинг севимли бувижониси. Ҳа, Олмахон Хўжаниёзованинг эл олдида юзи ёруғ, боши баланд!

Аёллар ҳақида ҳикоялар

ЎҚИТУВЧИ ФЕРМЕР

Хоразм вилояти Урганч туманида Султонпошшо Қаландаровани танимайдиган одам кам топилади. Опа 25 йилдан буён Навоий номли мактабда бошланғич синфларга таълим беради. "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси". Султонпошшо опа 2000 йилда "Ҳожи ота" фермер хўжалиги ташкил қилди. Деҳқончилик, дала - унинг жону дили. 5 фарзанди ва турмуш ўртоғи Раҳимберган ака (хирург бўлса-да) унинг "қаватига" киришган. Қайнотаси Авазмуродҳожи ва қайнонаси Гулижон момонинг ҳам пешоналари деҳқончиликда ярқираган. Султонпошшо келин ҳам уларнинг тажрибаларидан қувват олиб, 6 йилдан буён 10 гектар ерга буғдой ва пахта экади. Ҳар гектар ердан 50 центнердан буғдой ва 40-45 центнердан пахта олади. 3 та кам таъминланган оила аъзоларини ҳам иш билан таъминлаган. Уларга қўлидан келганча моддий ёрдам беради. Шунингдек жонажон мактабини ҳам унутмайди. Унинг таъмирига ва тадбирларига жон-дилидан ҳомийлик қилади.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

Тошкентда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги VI-Пленуми бўлиб ўтди.

ИШЛАР САРҲИСОБ ҚИЛИНДИ

Йиғилишда бошқарув аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатаси фракциялар вакиллари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари, матбуот ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирни Сенатор, Республика Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Инамова кириш сўзи билан очди ва Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси олдида турган вазифалар ҳақида тўхталди.

Маълумки, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринларини яратиш, айниқса қишлоқ жойларда аҳоли кенг табақасини микромолиялаштириш учун молиявий маблағлар беришни янада кенгайтириш мақсадида Президентимизнинг "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони эълон қилинган. Шу муносабат билан Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан вилоятларда тадбиркорликни бошламоқчи бўлган аёлларга имтиёзли кредитлар бериш тизимининг моҳиятини тушунтириш, жойларда амалий ёрдам кўрсатиш бўйича семинарлар ташкил этилаётганлиги анжуманда таъкидланди. Ўтган олти ой мобайнида вилоят, туман ва шаҳар меҳнат бўлимлари билан ҳамкорликда ишсиз аёллар рўйхатга олиниб, улардан кўпчилиги ишга жойлаштирилган.

Шунингдек, "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастурининг бажарилиши ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди. Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 113756 нафар ёш келин-куёвлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Кўрикдан ўтганларнинг 645 тасида касалликлар аниқланди ва соғломлаштирилди.

Тадбирда Зулфия номидаги Давлат мукофотини ёшлар ўртасида кенг тарғиб этиш, унинг нуфузини янада ошириш борасида 7 йиллик тажрибани ҳисобга олган ҳолда қўмита ташаббуси билан Халқ Таълими Вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази билан ҳамкорликда "2006 йилда Умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб ҳунар коллежларида Зулфия номидаги Давлат мукофоти"га бўлиб ўтадиган танловлар самарадорлигини ошириш ва мукофот тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг "Ҳамкорлик дастури" ишлаб чиқилди ва ушбу дастурга асосан жойларда фаол иш олиб бораётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, пленум давомида бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилди. Йиғилиш кун тартибига киритилган масалалар иштирокчилар томонидан қизғин муҳокама этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди. Тадбир якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Рустам ҲАЙДАРОВ,
"Туркистон-пресс"

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

ҚОН ИНСОНЛАР ХИЗМАТИДА

Мана икки йилдирки, дунё миқёсида 14 июнда Халқаро донорлик куни ўтказилмоқда. Мамлакатимиз ҳам мазкур тадбирдан четда тургани йўқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги 242-сонли қарори ҳамда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамни такомиллаштириш, беғараз ва кўнгилли қон донорлигини тарғиб этиш, шифохоналар учун зарур қон заҳиралари яратилишини таъминлаш мақсадида юртимизда "Донорлик ойлиги" эълон қилинган эди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида бўлиб ўтган матбуот анжумани шу мавзуга бағишланди. Унда қўмитанинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими, "Қон инсонлар хизматида" нодавлат жамоат фонди ва бошқа бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

Қоннинг қай даражада аҳамияти юксаклиги, кўнгилли равишда донорлик қилишнинг моҳияти борасида ўтказилган суҳбатлар, учрашувлар, тарғибот ишларининг натижасида бугунга келиб мамлакатимизда беминнат қон донорларининг сони салкам 23 минг кишига етди. Мана шу донорларнинг 2/3 қисми хотин-қизлар эканлиги эса аёлларимизнинг ўзгаларга беғараз ёрдам кўрсатишда етакчи эканликларини исботлаб турибди. Ойлик давомида олинган қон заҳираси 8200 литрдан ошиб кетди. Натижада 11 мингдан зиёд беморнинг ҳаётини сақлаб қолишга эришилди.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга мутахассислардан жавоблар олишди.

Озода ИСМАИЛОВА

ҲАММАСИНИ ЎЗИМИЗ ЭПЛАЙМИЗ

Хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини оширишда нафақат хотин-қизлар қўмиталари, балки нодавлат-нотижорат ташкилотлари, турли жамғармалар, сиёсий партияларнинг ҳам фаол бўлишларини даврнинг ўзи талаб этмоқда. Ўзбекистон халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раисининг хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш ва ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Гулруҳ АЪЗАМОВА билан суҳбатимиз шу хусусда бўлди.

- Гулруҳ Анваровна, Ўзбекистон халқ демократик партияси хотин-қизлар билан ишлашда бошқа партиялардан нимаси билан фарқ қилади?

- Бу нарса биринчи навбатда партиямизнинг электорати билан белгиланади. Биз ўз фаолиятимизда халқ таълими, соғлиқни сақлаш ходимлари, ёшлар, пенсионерлар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига кўпроқ таянамиз. Қолаверса, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз. Кўпчиликка маълумки, таълим ва тиббиёт соҳаси ходимларининг асосий қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Партиямизнинг 2005 йил июл ойида бўлиб ўтган бешинчи қурултойида тасдиқланган Дастурида ҳам жамиятда хотин-қизларнинг мавқеини, ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси, уларни иш билан таъминлаш, айниқса, экологик оғир ҳудудларда яшаётган хотин-қизлар саломатлигини ҳимоя қилиш, иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлаш масалалари кенг қамраб олинган.

Мамлакатимиз аҳолисининг 51 фоизини хотин-қизлар ташкил этгани ҳолда, уларнинг бор-йўғи 9 фоизи сиёсий партияларга аъзо эканлиги эса аёлларнинг фаоллигини ошириш борасида ҳали кўп ишлар қилиниши зарурлигини англатиб турибди. Шуни яхши англаган ҳолда ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳузурида "Фаол аёллар" қаноти тузилди. Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий савиясини, нуфузини ошириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш йўлида етакчи(лидер) аёлларга, партиямизнинг ижтимоий шерикларининг ёрдамига таянамиз. Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш орқали уларда ўз ҳуқуқларини ўзлари ҳимоялаш кўникмаларини шакллантириш учун тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Бунда "Ҳаммасини ўзимиз эплаймиз" деган шиор бош мезон қилиб олинган. Яъни фаол бўлган, ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши англаган, муаммолари айнан қайси ташкилотда ечим топишини билган аёллар идорама идора сарсон бўлиб, қабулхоналарда сарғайиб ўтиришмайди. Қолаверса, фаол аёл жамиятда кечаётган ўзгаришларга ҳам бефарқ бўлмайди.

Аёл ва жамият

- ЎзХДП хотин-қизлар билан ишлаш борасидаги фаолиятида қайси ташкилотлар билан ҳамкорлик қилмоқда?

- Юқорида таъкидланганимдек, партиямиз электоратининг каттагина қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Шу боис биз ўз фаолиятимизда биринчи галда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб бораяпмиз. "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг депутатлар корпуси ва сиёсий партиялар билан ҳамкорлик дастури"нинг ишлаб чиқилиши ҳамкорлигимизнинг янги босқичга кўтарилишига туртки берди. Бугунги кунда партиямизнинг "Фаол аёллар" қаноти қўмитаси билан биргаликда турли хил тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Шунингдек, фаолияти бевосита хотин-қизлар билан ишлашга йўналтирилган нодавлат-нотижорат ташкилотлари билан ҳам ҳамкорлик қилиб келаяпмиз. Касаба уюшмалари, бир қатор жамғармалар ҳам ижтимоий шерикларимиз ҳисобланишади.

- Айрим аёлларимизнинг иш изламай хорижга кетиши ва фирибгар кимсаларнинг қўлида қўғирчоқ бўлиб қолаётгани хусусида фикрларингиз қандай?

- Бундай мисоллар бармоқ билан санарли даражада бўлса-да, одамни ўйлашга мажбур этади. Лекин муаммонинг бошқа тарафи ҳуқуқларимизни билмасликка ва осон пул топишга интилишга бориб тақалади. Қолаверса, ишлаш учун чет элга бориш тартиблари, шу жумладан ташқи миграция масалалари қайсидир маънода бунга сабаб бўлмоқда. Шу боис партиямиз Дастурига Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги орқали вақтинча ишлаш учун юртдошларимизнинг чет элларга чиқиб кетишини расмийлаштириш тартибларини соддалаштириш ва бу билан боғлиқ харажатларни ҳам сезиларли даражада арзонлаштириш, аҳоли миграцияси тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка меъёрий ҳуқуқий йўналтиришнинг самарасини оширадиган ўзгартиришлар киритиш, мамлакатимиз аҳолиси учун анъанавий таниш бўлган давлатлар билан меҳнат миграцияси ва меҳнаткаш-мигрантларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимояси борасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида икки томонлама битимлар тузиш каби ташаббуслар билан чиқиш масалалари ҳам киритилган.

- Яна нималарни айтишни истар эдингиз?

- Партиямизнинг Дастурида белгиланган кўплаб вазифалар "Ҳар бир оиланинг ҳар бир аъзосига фаровонлик!" деган шиорда мужассамлашган. Бу шунчаки баландпарвоз гап эмас, балки ҳаёт ҳақиқатига айланишида бизга ҳайриҳоҳ бўлган барча юртдошларимизнинг маддадига таянамиз.

- Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат!

Д. ИБРОҲИМОВ суҳбатлашди.

МИЛЛИЙ КОНГРЕСС ЙИҒИЛИШИ

Ўтган ҳафтанинг сўнгги кунлари пойтахтимизда "Оилавий таълим Дастури" бўйича иккинчи Миллий Конгресс йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси мазкур тадбир ташкилотчилари бўлишди.

ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи жаноб Реза Хоссаинининг таъкидлашича, мазкур "дастур оилаларнинг билимлари ва амалий кўникмаларини такомиллаштириш орқали маҳаллаларни турли хил вазирликлар, миллий ва халқаро ҳамкорлар томонидан амалга оширилаётган дастурлар билан боғловчи кўприк вазифасини ўтамоқда".

Иккинчи Миллий Конгресс ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова, ЮНИСЕФнинг "Оилавий таълим Дастури" бўйича Ўзбекистондаги координатори Андро Шилакадзе иштирок этишди.

Қуйида Конгресс иштирокчиларининг Дастур бўйича айрим фикрлари билан танишасиз:

Н. Туреева, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари:

- Дастур мамлакатимизда 2005 йилдан бери амалга ошириб келинмоқда. У ота-оналарнинг болаларни парваришлаш, уларга тарбия бериш, уларни тўғри овқатлантириш, саломатлигини ҳимоя қилиш борасидаги билимлари ва масъулиятини ошириш, оналар ва болалар ўлими ҳамда касалликларининг камайишига эришиш, болаларга сифатли ва малакали бошланғич таълим беришни таъминлаш каби кўплаб масалаларни қамраб олади. Ташқи эксперт, доктор Сонали Зевери томонидан Дастур доирасида мамлакатимизда бир йил ичида амалга оширилган ишларнинг минтақадаги энг яхши баҳоланган бешлик рўйхатига киритилгани эса фаолиятимизга берилган ўзига хос баҳо, дейиш мумкин.

К. Ёдгорова, соғлиқни сақлаш вазирлиги оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бош бошқармаси бошлиғи:

- Мамлакатимизда туғиш ёшидаги аёллар сони 7 миллион нафардан ошади. Олиб борилаётган профилактика ишлари натижасида сўнгги йилларда туғиш пайтида оналар ва болалар ўлимининг нисбатан камайишига эришилди.

Никоҳдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш тажрибасининг жорий этилиши ҳам яхши самара бермоқда. Масалан, 2005 йилда 330 мингга яқин ёшлар ана шундай кўрикдан ўтишган бўлса, уларнинг 0,5 фоизида турли касалликлар борлиги аниқланди.

Шу билан бирга оналар ва болалар анемияси(камқонлиги) асосий муаммоларимиздан бири бўлиб турибди. Жаҳон банки маълумотларига кўра, камқонлик даражаси бўйича Марказий Осий давлатлари ичидаги энг юқори кўрсаткич бизнинг мамлакатимизда эканлиги ҳам аҳоли ўртасида саплементация дастурининг, бойитилган ун маҳсулотлари истеъмол қилишнинг аҳамияти, овқат пайтида чой ичишнинг зарарли оқибатлари, умуман, ўз соғлиғи тўғрисида қайғуриш борасида тушунтириш ишларини янада кучайтиришимиз зарурлигини кўрсатади.

ДАРМОН

МАҲАЛЛАДА УЧРАШУВ

Пойтахтимизнинг Шайҳонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев номли маҳаллада "Соғлом она - соғлом бола" мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Йиғилиш хотин-қизларнинг тиббий саводхонлигини оширишга қаратилган бўлиб, унда Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Дилором Маҳамадалиева аёлларимизнинг соғлиги, фарзандларининг саломатлиги учун оиладаги муҳит айниқса қайноналарнинг ўрни муҳимлиги ҳақида гапирди. Кайвони онахонлар келинларига, набираларига ғамхўр, маслаҳатгўй бўлишлари зарурлигини таъкидлаб ўтди.

1-перинитал марказ бош шифокори Марям Содиқова ҳомиладорлик ҳолатлари, кераксиз ҳомиладан сақланиш усуллари ҳақида батафсил тушунтиришлар берди.

Шунингдек, 14-оилавий поликлиника бош шифокори Дилфуза Ибрагимова айни ёз чилласида авж оладиган касалликларнинг олдини олиш борасида ўз маслаҳатлари билан ўртоқлашди. Доим қайнаган сув ичиш, меваларнинг текширилганини харид қилиб, тоза ювиб истеъмол қилиш, фарзандларининг қўлларини ювишдан тортиб, вақтида дам олдиришларигача аёлларга тушунчалар бериб ўтди.

Ахборот

Маҳалла хотин-қизлари куюнчак шифокорларнинг фикр-мулоҳазаларидан ниҳоятда мамнун бўлишди ва улардан ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

Матлуба ШУКУРОВА

МУСОБАҚАДА АЁЛЛАР

Пойтахтдаги Мирзо Улуғбек боғида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан аёллар ўртасида югуриш марафони ўтказилди.

Тадбирда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган икки юз нафарга яқин аёллар иштирок этди. Беш юз метр масофага югуришда Ҳамза тумани 231-мактаб ўқитувчиси Дилором Асадуллаева биринчи ўринга сазовор бўлди. 36 дан 45 ёшгача бўлган аёллар ўртасидаги баҳсларда Собир Раҳимов тумани 46-мактаб ўқитувчиси Шаҳло Раҳимжоновага етадиган рақиб топилмади. 46 ёшдан юқори бўлган аёллар баҳсида эса ғолиблик Яккасарой тумани 19-поликлиника шифокори Замира Муродовага насиб этди.

Рустам ҲАЙДАРОВ, "Туркистон-пресс"

- Биз инсонлар жисмидаги дардини аритсак, «Оила ва жамият» газетаси кўнгиллар малҳами,-дейди газетамизнинг асл мухлиси, Самарқанд вилоят физиотерапия поликлиникаси бош шифокори Клара Қаршиева.

Суратчи: София НАЗАРОВА

Оила ва жамият 15 йил

ҲАЁТИМ АЗМУНИ

Мен бир неча йиллардан буён "Оила ва жамият" газетасини севиб ўқиб келаман. Унда менинг ҳам бир қанча шеър ва мақолаларим эълон қилинган. Газета таҳририятига ёзган мактубларим ҳам ҳеч беэътибор қолмаган. Яқин бир йил ичида газетага ҳеч нарса ёзмадим, ёзолмадим. Ҳар гал қўлимга қалам оламану, ёзолмайман. Сабаби 2005 йилнинг 14 июлида беҳосдан келган ўлим турмуш ўртоғимни олиб кетди. Бу биз учун жуда катта йўқотиш, фарзандларим учун кутилмаган зарба бўлди. Баъзан гапларимдан адашиб, қулоғим ҳеч нарсани эшитмай қолади. Шунда яқинларим: "Ўзингизни тутинг, ҳаёт ахир бир жойда тўхтаб қолгани йўқ, давом этаяпти-ку, болаларингиз учун ҳам яшашингиз керак", - деб танбеҳ беришди.

Орадан ойлар ўтди. Етти ой деганда устимиздаги кўкимизни ечдик. Онамнинг бир гаплари бўларди: "Ҳа, болам, ўлган ўлиб кетаверар экан, қолганларга жин ҳам урмайди, кунини кўриб кетади. Ана фалончи юрибди, ойдай бўлиб нонини, ошини еб", дер эдилар. Биз ҳам аста-секин ҳаммасига кўникдик. Энди дастурхон атрофида ўтириб, болаларим билан дадасини, уларнинг гап-сўзларини эслаб, хотирлаб, кўзимизга ёш оламиз. Яқинда турмуш ўртоғимнинг қариндошлари тўй бошлаб, "фотиҳа тўй"ига айтган эди, бордик. Куда тарафдан келган истараси иссиқ бир ёшгина жувон менга қараб: "Сизни бир мактабдош дугонамга ўхшатаяпман. Дилоромни ойиси эмасмисиз", - деб сўради. "Ҳа", дедим бош силкитиб. Кейин у ўтирган аёлларга қараб: "Бу киши "Оила ва жамият" газетасига мақолалар ёзадилар-да. Мен уларнинг "Менинг топилмас гавҳарим" деган мақолаларини қирқиб олиб қўйганман. Зўр ёзганлар-да", - деди.

Шунда тўрда ўтирган бир аёл исм-фамилиямни эшитиб: "Ҳа, мен ҳам ўқиганман, шу газета ўзи жуда яхши, ўқишли газета-да", - деди. Ёнимда ўтирган бир аёл эса: "Тўрт қатор шеър айтиб беринг", - дея илтимос қилди. Ўтирган жойимда бир оз ўнғайсизландим. Нокамтарлик бўлмасин-у, бир томондан хурсанд ҳам бўлиб кетдим. Ахир ёзганларингни кимлардир ўқиса, ҳаётда озгина сабоқ, туртки бўлса бу қандай яхши! Бунинг учун мен "Оила ва жамият" газетасидан жуда ҳам миннатдорман.

Мана, орадан бир йил ўтиб, мен яна қўлимга қоғоз ва қалам олиб, севимли газетамга мактуб йўллаяпман. Ҳеч муболағасиз айтаманки, шу газета мени яна ҳаётга қайтарди, одамларни, юртимни, фарзандларимни яна ҳам қаттиқроқ севишга ўргатди. Фарзандларим менга: "Дадамнинг хотираларига бағишлаб бирон нима ёзмайсизми, ёзинг", - дейишган эди. Мана бу шеърим уларнинг руҳи покларига туҳфа бўлсин.

Узоқ йиллар бирга-бирга умр кечирдик,
Гоҳи шодон, гоҳи ғамгин кунларни кўрдик.
Улкан ҳаёт қозонида қайнадик, тошдик,
Дийдор энди қиёматга қолди, азизим.

"Борса келмас" ерларга сиз кетдингиз энди,
Ҳолим сўраб бир бора сиз келмайсиз энди.
Кўзда ёшим, келиб бир бор артмайсиз энди,
Дийдор энди қиёматга қолди, азизим.

Севинчимни, Азизамни эркалаб, қучиб,
Кўчаларда ўйнатиб ҳеч юрмайсиз суйиб.
"Бобожон" деб излашади ҳар ён термулиб,
Дийдор энди қиёматга қолди, азизим.

Оҳ, бу ғамлар юки оғир, залворли экан,
Ҳар чоқ уни кўтармоққа ожиздир елкам.
Борингизда тоғ экансиз, сезмабман қаранг,
Дийдор энди қиёматга қолди, азизим.

Оллоҳимдан руҳингизга мадад сўрайман,
Ҳар тонг саҳар тиловатим сизга атайман.
Жаннатлардан ҳар кун сизга жойлар тилайман,
Дийдор энди қиёматга қолди, азизим...

Дилбар ЭРНАЗАРОВА, Гулистон шаҳри.

ИККИ ОИЛА — БИР МАНЗАРА

Биз ҳаётимиздаги жуда кўп ноҳуш воқеаларнинг сабабини тақдирга тақаб қўяверамиз. Ўйлаб турсам, аслида ундай эмас, кўнгилсизликларнинг кўпчилигига тақдир эмас, ўзимиз сабабчи бўламиз.

Қўшнимиз Аслбек енгил машиналарни таъмирлайдиган жойда эрталабдан кечгача қора мойга ботиб, тинимсиз ишлаб пул топади. Лекин уйида барака йўқ. Нега? Чунки у пул топишдан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Онаси Маҳкам хола умрида бирон марта ўғилларини ошхонага йўлатмаган. Чунки у кишининг фикрича ошхонадаги ишлар қизларники, молга қараш, томорқада ишлаш, ўт ўриб келиш каби юмушлар эркакларнинг иши. Бечора Аслбек уйга 4-5 килолаб гўшт, ҳамма нарсани мўлтўхтаб турган машиналар билан зипиллаб онасиникига бериб келади. Ёки бўлмаса, ёғдан, гўштдан олади-ю, ота-онасини хурсанд қилиб қайтади.

Ҳурматли ўқувчи, сиз ўйлаётгандирсиз, бу келиннинг онаси жуда ночор яшар экан-да, деб. Йўқ, яхшигина, тўққина яшайди. Ўғиллари топармон-тутармон. Фарзандларидан тинчиган. Фақат, келиннинг ўзи шунақа тарбияланган, онасига фидоийдан фидоий. У она тушмагурам айтмайди, уйингдаги катталардан бир оғиз сўрадингми, нима бало, сен тушган уйда ҳисоб-китоб деган нарса йўқми, деб. Лекин бу холанинг ўзи ўз уйида ҳисоб-китобни роса-а жойига қўяди-да. Қизи, яъни Маҳкам холанинг келини онасиданам яхши билади ҳисоб-китобу, режалаб иш қилишни. Олий маълумотли, тажрибали ишчи-ю, лекин, афсус, тушган жойига ичи ачимайди, холос. Бу келиннинг ошхонасига кирсангиз, қўйган нарсангизни яна қайтиб тополмай қоласиз.

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

Ошхонада аҳвол шу бўлса, ҳар уч-тўрт кунда шунчадан ҳаражат эрдан, қайнонадан беижозат чиқиб кетаверса, бунга эр деган зийраклик билан қарамаса, бу уйда барака нима қилсин? Мол аччиғи - жон аччиғи, дейдилар. Маҳкам холанинг ҳамма дарди ичида. **Ўғил уйландими, энди унинг ҳар бир сўзи турмуш ўртоғи учун ҳукм бўлмоғи керак. Ҳукм даражасида фикрламоғи ва сўзламоғи учун эса ўғил болани ёшлигидан бошлаб ошхонадаги юмушлардан ҳам хабардор қилиб бориш, албатта керак экан.** Бир кунда 40 минут ёки бир соат бўлса ҳам пишириш, куйдириш ишларига аралаштирган билан ўғил боланинг ўз юмушлари бажарувсиз қолиб кетмайди.

Мана, қаранг. Ўсмир пайтида бир пиёла сут пишириб кўрмаган ёки 1-2 та тухумни ўзи қайнатиб емаган, ошнинг гўштини чамалаб тўғраб беришга ёрдамлашиб юборманган ёки овқатнинг ёғини қозонга солаётганда унинг қанчалигига кўзи тушмаган боладан нима умид? Турган гапки, рўзғорга кетаяпти, дейилса ишонаверади-да.

Маҳкам хола келинининг ўз онасига илинишига қарши эмас, лекин ҳамма нарсани ҳам эви билан қилиш керакда. Уйда болалар вояга етиб келаяпти, демак, ҳар бир оиланинг улар учун ўзига яраша тўпланган маблағи бўлиши керак. Буёғида ҳеч бир моддий қувват бўлмаган кишининг ҳамма вақт кўнгли чўкиб юради. Бу тушкун кайфият бориб-бориб эркак кишининг соғлигига зарар қилиши мумкин. Буни келин ўйлаб ҳам кўрмайди. Шуларни ўйларкан Маҳкам хола бола тарбиясида анча камчилик ўзидан ўтганлигини фаҳмлаб баттар эзилади.

Энди бошқа бир уйдаги манзарани қаранг. Наргиз жуда тартибли оилада вояга етди. Онаси бошидан тежаб-тергашни, ҳар бир майда-чуйда лекин жуда зарур бўлган ишларни ёш қизчалигидан унинг қулоғига қуйиб тарбиялади. Катта бўлган сари Наргизнинг ҳамма ишга яхшигина уқуви келадиган бўлди.

Тақдирни қарангки, Наргиз тутишгандан тутуми ўзи ўсган оилага бутунлай ўхшамайдиган уйга келин бўлиб тушди. Бу хонадондаги пала-партишликни кўриб, аввалига унинг кайфияти тушиб кетди. На ошхонада, на меҳмонхонада, на ётиб-туришда тартиб бор. Меҳмонхонадаги кўрпачаларнинг рангига қараб бўлмайди. Улар кўрпача бўлганидан бери ювилмаган, сув кўрмаган. Наргиз тиббиёт ҳамшираси эмасми, кир сингиб кетган жойларда овқат ҳам егиси келмай қолди. Шунақаям хўрлиги келдики... Лекин бирдан ўзини тутиб олди. Наргиза кўнглидан ўтказди: "Мен нега хафа бўлай? Ахир энг муҳими, бу уйдаги одамлар яхши инсонлар экан-ку. Иккинчидан, шу рўзғордаги бараканинг борлигига шукр қилмасам уятдан уят-ку. Хонадонни тартибга келтириш эса, астойдил, ҳавас билан ҳаракат қилсам, мумкин бўлган иш-ку..."

Наргиз пала-партишлик ҳақида ҳеч кимга ҳеч нарса демади. Уйда ҳаммага қилган хушмуомаласини айтмайсизми?

Биринчи ишни ошхонадан бошлади. Тўрт-беш кун ичида ошхона оппоқ пардали ойнадай бўлди. Кирсангиз, енгил тортасиз. Яна бешолти кун ўтгач, меҳмонхона ҳам одам кутгулик суробга келди. Наргиз меҳмон ўтирадиган кўрпачаларни, ёстиқ жилдларини ювди, кўрпачаларнинг пахтасини ўзи солиб, ярашиғини келтириб қавиди. Қайнонаси беозоргина аёл экан. Қайнсингилларини ҳам яхши гапириб, ишга солди. Улар билан дераза ойналарини ювди. Егулик, пиширгулик учун келтирилган нарсаларни тежаб ишлатди. Оз нарсалардан соз нарсалар пиширди. Бир ярим, икки ой мобайнида бу хонадон сонга кирди. Бош суқиб киргулик уй бўлди. Яхши, тоза уйга яхши одамларнинг, яхши келиннинг ярашганини айтмайсизми? Янги келин фақат уйим-жойим деди. Хуллас, келин келганидан сўнг бу уйнинг баракасига барака қўшилди, саранжом-саришталик келди.

Бу келин парранда чиликниям тилини яхши тушунар экан. Курк бўлган товуқларга тухум бостириб, бир дунё жўжа очирди. Парранда чилик - етти хазинанинг бири, деганлари рост экан. Тухум, товуқ гўшти уйдан чиқадиган бўлди. Қайнона-қайнотанинг келинни тергашга эса ҳеч қандай ҳожати йўқ. Улар хурсанд, ҳар куни тинчгина ухлаб туришади.

Хуллас, кўп яшагур, қўша қаригур, ували-жували бўлгур келин тушган хонадонини қарсакдай қилиб қўйди. Маҳаллада Наргиз ҳақида гап очилса, катта-ю кичик - ҳамма: "Ота-онасига раҳмат бу келиннинг", - дейишади.

Сайёра БЕКМИРЗАЕВА

БИР АЁЛ ИЗТИРОБЛАРИ...

- 30 йилдан буён мактабда ўқитувчилик қиламан. Беш нафар фарзандим бор. Уларнинг тўрттасини уй-жойли қилганмиз, фақат биттa қизим ҳали ўқияпти. Бошимга тушган бир ташвиш мени кун сайин адо қилаяпти. Яқинларимга дардимни айтгим келмайди. Бирор чора кўрай десам... Болаларимни, набираларимни ўйлайман,-дея гап бошлади аёл.

- Бошингизга қандай ташвиш тушганди?

- Уйдан ишга, ишдан уйга югурадиган, уйим-жойим, болаларим деб фидо бўладиган мендек оддий бир аёл учун бу оғир зарба. Ўтган йили эрим санаторияга дам олиш учун отланди. Мен ҳам чин кўнгилдан зарур нарсаларини тахт қилиб бердим. У дам олгандан кейин жуда ўзгариб келди. Яхши ният билан уй қураётгандик. Шунинг учун пул сўради. Мен суриштириб ўтирмай бериб юбордим. Орадан анча вақт ўтгач у пулларимни йўқотиб қўйганлигини айтди.

- Сиз ишондингизми?

- Албатта, иккимизнинг сиримиз йўқ, ҳамма нарсани биргаликда ҳал қилардик-да. Бир куни эрим ҳаммомда эканлигида унинг қўл телефони жиринглаб қолди. Олсам бир аёлнинг овози. "Эргаш ака, бугун ойимникига бораман..." - деди-ю, менинг шошилиб, "Ким? Ким бу?" деганимдан кейин овози ўчди. Мен қотиб қолгандим. Телефонда кўринган рақамини ёзиб олиб қўйдим. Бироздан сўнг эрим чиқди-да. "Ие, телефоним бу ерда экан-да. Иш бўйича қўнғироқ қилишлари керак эди", - деди. Индамадим.У эса телефондаги рақамни кўриб ранги оқарди-ю, сир бермади.

Мен унинг телефони орқали манзилини топиб бордим. Сочларини сап-сариқ қилиб бўяб олган бир ёшгина аёл эшикни очди. Унга яхшилаб қараб олгач: "Мен бир танишимни излаб келгандим. Шу уйда, сизнинг тепангиздаги қаватда яшарди. Келгунча шу ерда кутиб турсам майлими?" - дедим. Аёл кулиб: "Бемалол. ўтираверинг!" - деди бепарвогина. Юрагим ғазабдан сиқилиб. ўзимни аранг қўлга олиб ўтирардим. Уй яхшигина таъмирланган, мебеллар, гиламлар ҳали янги эди. Қимматбаҳо пардалар осилганди. Аёл телефонда гаплаша бошлади.

- Эргаш ака, мени қачон ҳовлингизга олиб борасиз? Болани ўша ерда туғишим керак. Чунки чақалоққа тоза ҳаво керак.Бозорга ўтмадингизми? Меваларнинг сархилидан, айниқса банандан кўпроқ олинг, - дея хиринглаб куларди. Орадан кўп ўтмай, эшик қўнғироғи жиринглади. Мен аранг ўтирар, ҳаяжондан нафасим тиқиларди.

Сумка-ю кутилар кўтарган ёш йигит ва орқасидан эрим кириб келди. Мени кўрмади. Аёлни ўпиб қучоқлаб кўтариб оларкан, "Қундузхон! Асалим, сизни жуда соғиниб кетдим-ку!" - деди-да, уни кўтариб мен ўтирган уйга кириб келди. Мени кўрди-ю, бақадек қотди. Кўзлари олайиб, пешонасига чиқиб кетди.

- Сен-н?! Нима қилиб юрибсан бу ерда? - деди.

Аёл ҳам нима гаплигини тушунди, лекин сир бермади.

- У тепадаги қўшнимизни кутиб ўтирибди,- деди-да, ошхонага чиқиб нимадир қовура бошлади.

- Сиз индамай ўтиравердингизми?

- Ўрнимдан туриб чиқиб кетдим. Кўнглимни кемира бошлаган шубҳалар тўғри экан. Буни ўзим билиб олганим яхши бўлди.

- Эрингиз-чи? У аёл билан қолаверди-ми?

- Ҳа, мен чиқа солиб таксига ўтириб уйга кетдим. Ярим соат ўтмай у етиб келди.

- Бу воқеани эрингиз қандай изоҳлади?

- Ҳаммасини тан олди. Санаторияда у билан танишиб қолганини, усиз яшай олмаслигини ҳам айтди. Қурилишга аталган пулларимизга уч хоналик уй олиб, уни таъмирлаб, жиҳозлаб беribди.

- Сиз қандай йўл тутдингиз? Эр бермоқ жон бермоқ деган гап бор.

- Ёмон аҳволга тушдим. Додладим. Эримни тарсакиладим. Ахир набирали, келинли бўлсак... Маҳаллада ҳамма оиламизга ҳавас қиларди. Энди бўлса...Хуллас, эрим билан гаплашмай қўйдим. У эса келиб, кетиб юраверди. Орадан вақт ўтиб аёл туғибди. Эрим унинг операциясига анча пул сарфлади. Болага энага олиб берибди. Буларни аёлнинг ўзи телефон қилиб айтар, менинг ҳовлидан чиқиб кетишимни талаб қиларди.

- Унинг бу гапларини эрингиз билармиди?

- Эрим: "Бўлар иш бўлди-да. Бола меники. Ундан воз кеча олмайман. " - дерди. Бир куни эримнинг чўнтагидан унинг суратини топиб олдим. Бола уникиди бўлса ўхшаши керак эди. Лекин мутлақо ўхшамасди. Буни эримга айтдим. У ҳам таҳликага тушиб қолди. Бола тўрт ойлик бўлганда ДНК таҳлили ўтказиш учун аёлни судга бердик. Суд куни ДНК таҳлили натижаси эълон қилинганда эримнинг қон босими ошиб ҳушидан кетиб қолди. Бола уники эмаслиги исботланди. Унинг туғилиш гувоҳномасидаги фамилия ҳам бекор қилиниши керак эди.

- Эрингизнинг ҳозир ҳам аёл билан алоқаси борми?

- Йўқ, деяпти, лекин... Ким билади. Аёл қўнғироқ қилавермаслиги учун барча телефон рақамларимизни ўзгартирдик. Эрим болаларимнинг олдида тиз чўкиб мендан кечирим сўради. Мен ўзимни кечиргандек тутаяпману, лекин...

- Эрингиз олиб берган уй-чи, аёлнинг номида қолдими?

- Йўқ, яхшики уйни ўзининг номига олган экан. Фақат бир неча миллионлик жиҳозларни олиб кетиб қолибди. Шуниси алам қилади.

- Ҳаммаси ўтиб кетибди, маҳаллада ҳам ҳеч ким бу гапларни эшитмаган экан. Энди яна оилангиз тинч-тотув бўлиб кетдими?

- Агар шундай бўлганда таҳририятга келмаган бўлардим. Назаримда эрим ҳануз у аёлни унута олмаётгандек туюлаяпти. Чунки, у мендан икки баравар ёш, чиройлироқ ҳам эди-да. Мен бўлсам бор ёшлигиму соғлиғимни болаларим ва оиламга сарфлаб бўлган аёлман...

- Уни унута олмаётганини қаердан биласиз? Ёки учрашиб туришадими?

- Йўқ. Бир куни ўша ҳақда гап очилди. Эрим уни ёмонлаб турди-да: "Барибир унинг қилиқлари бошқача эди-да", - деб юборди. Бу гапи учун кечирим сўраса ҳам яна кўнглим музга айланди. Ажрашиб кетишнинг сира иложи йўқ. Қуда-андаларим бор. Бу нарса болаларимни бахтсиз қилиши мумкин.

- Қандай йўл тутайки, дардим анча енгиллашса?

Дилфуза исмли бу аёл билан суҳбатлашарканмиз, маслаҳатлар бердик. У ҳам кўнгандек бўлди. Лекин аёл кўзларидан сезилиб турган, юрагидан ҳали-вери кетмайдиган алам, истироб билан чиқиб кетди.

Азизлар, сиз қалби дардга тўлган бу аёлга нима деган бўлардингиз?

ГУЛБАШАКАР

АВТОБУСДА КАРТА...

Икир-чикир, лекин...

Бугун ҳам ҳар кунгидек тирбанд автобусга зўрға чиқиб олдим. Одамларнинг итаритаридан, ўтинг-ўтингидан автобус ўртасига бориб қолдим. Ҳар бекатда кондукторнинг овози эшитилади: - "Юришинглар, силжинглар, эшик ёпилсин!".

Шунда 11-12 ёшлардаги бир қиз, бир ўғил боланинг шўх қийқиришидан ногоҳ ўша томонга қарадим.

Улар ўриндикни банд қилиб, оғзида сақич билан хандон отиб карта ўйнашмоқда эди. Бир зум қарахт бўлиб қолдим. Биринчидан уларнинг одоби, ёнида ота-онаси, бувиси тенгилар тик оёқда туришибди-ю, улар бўлса карта ўйнашаяпти, яна ўша машҳур ўйин, "Дуррак".

Шу орада бир кекса аёл жой беришни сўради, бу иккаласи ҳам бир-бирига маъноли қараб "нима деяпсан", ҳам деб парво қилмасдан ўйинини давом эттиришди.

30-35 ёшлардаги киши буларга танбеҳ бериб, уларни ўрнидан қўзғалишга мажбур этди. Кекса аёл ўтирди. Энсаси қотган икки ўспирин оғзидаги сақичларини чапиллатиб тик турган ҳолда ўйинини давом эттиришди. Бу ҳолдан барчанинг асаби бузилди.

Кекса аёл: "Болаларим, нима қилаяпсизлар?"- деди. "Кўрмаяпсизми, карта ўйнаяпмиз, сизни ҳам ўйнагингиз келмаяптими", - дейишди тиржайиб аёлга неваралари қаторидаги болалар.

Бир пайт автобус қаттиқ силкиниб, болалар қўлидаги карта автобус салонига, одамлар оёғи остига сочилди. Ўсмир ёшлар машаққатлар билан картани териб, салонни тарк этишди. Токи мен ўқишга етгунча бу ҳол ҳақида ўйлаб, эзилиб бордим. Ахир мен ҳам бўлғуси муаллимман, ўқувчиларим шундай тарбиясиз бўлишса, бундайлар билан қандай ишлайман?..

Зебинисо ҒАФФОРОВА. ТДПУ III-курс талабаси.

НИЯТНИ ЯХШИ ҚИЛИНГ

Қулоққа чалинган гап

Катта аудитория. Танаффус. Уйда улгура олмаган баъзи уй ишларимни тайёрлаб ўтирарканман, орқадаги курсдош дугоналаримнинг гапи эшитилиб қолди:

- Нилу, манга қарагин, ўзи сан қанча сарпо йиғдинг? Сарпо кўришга ўтамиз...

- Бе, қаёқда. Ҳали кам-кўстим жа кўп, ойим 50-60 тача кўйлак қилдилар. "Бўлади, кейин ўзинг ишлаб олаверасан, кўп олсанг модадан қолиб кетади", деяптилар. "Чехский гарнитур" билан "Италянский спальний" обермасангиз тўй бўлмайди", - дедим.

- Тўғри айтасан, ҳозир олдириб қол, кейин қайнонанг олдида тилинг қисиқ бўлмайди.

- Вой, ҳали келин бўлмай туриб "қайнонажоним" ойимга: "Келиним 3 ойлик курсларда ўқиб олаверсин, ўзига яхши бўлади, оиламиз катта. Мен кун бўйи ишдаман. Рўзғорни, идиш-товоқни қизингиз боргач, қўлларига топшираман",-дебди. Нима, мен уларга чўриманми, малайманми?! Янги келин бўлиб тушиб, устимга ёғ ҳидини қўндириб олайми? Бориб олай ҳали, кўрсатаман уларга!

Беихтиёр ёзув ёзишдан тўхтаб, Нилуфар дугонамнинг келинлик либосида ўзга хонадонда ним зарда аралаш қошу қовоқлари билан таом тайёрлаётганини бир тасаввур қилиб кўрдим.

Унга қайнона бўлмиш: "Келиним эплик бўлсин!" - деса бунинг нимаси ёмон, ахир?.. Ўқиш деб улгуролмаган бўлса, рўзғор ишларига етишиб, ўрганиб, олсин деб сизга вақт бермаяптимикан? Бу сизни аяётгани-ку! Шу боис ўзга хонадонга остонадан ният ва тилакларни яхши қилиб, қулоқ қириб борингки, буни кўриб, қайнонангизнинг чарчоқлари арисин. Тўйдан олдин чоп-чоп, топ-топ, югур-югур билан анча чарчади. Биринчи таъзимингизни қайнонангизга қилиб, бир пиёла чойни "Ойижон", деб узатингки, сиздай келинга етказганидан Яратганга шукроналар айтсин.

Қайнонангиз солган сарполардан тикилган кийимингизни мактаб кийинг, шу бир оғиз ширин гапингиз билан меҳри ортади сизга.

Қайнона ҳам она. У ҳам сизни тушунади, ахир. Қайнона ҳам келин бўлган. Шундай экан, сиз ҳам унинг дуосини олиб, хизматида бўлиб юринг.

ЙЎЛДА ҚОЛГАН БОЛА

Менда фикр бор

Ўтган йили қиш жуда қаттиқ келгани барчамизга маълум. Ўша совуқ кунларнинг бирида трамвайда кетаётгандим. Ёнимда чамаси 3-4-синфларда ўқийдиган болакай турган эди. Бир пайт кондуктор йўл ҳақини йиғиб кела бошлади. Ёнимдаги бола у аёл яқинлашиши билан: "Опажон, бугун адам эрта ишга кетиб қолиб, пул ололмай қолдим. Кейинги сафар қўшиб тўларман..." - деди ялиниб. Шунда кондуктор аёл: "Пулинг бўлмаса, нега трамвайга чиқасан? Сендақа ўқувчилардан безорман", - деди. Трамвай тўхтади, бола ярим йўлда қолиб кетди. Бу воқеадан жуда хафа бўлдим ва аёлга нотўғри иш қилганини, у бола фақат уйи ва мактаби олдидаги бекатни билса, аро йўлда адашиб қолиши мумкинлигини айтдим. Қолаверса, ўша куни ниҳоятда кун совуқ эди. Аёл менга ўқрайиб: "Мен қонун бўйича иш тутдим", - деди.

Бу воқеа анчагача менинг дилимни хира қилиб турди. Менда шундай фикр туғилди: ўқувчи болаларнинг жамоат транспортидаги мактабга бориш-келиш пули бекор қилинса бўлмасмикан? Бу масалани чуқур ўйлаб кўриш керакдир. Ахир мактаб ўқувчиси ҳали пул топиш лаёқатига эга бўлмаса...

Маҳалладошлар билан фикрлашиб, газетамизга бу ҳақда ёзишга қарор қилдик. Зора, бир наф чиқса...

Санобар АБДУЛАЗИЗОВА,
Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Мирза Ғолиб маҳалласи фаоли.

РАҲМ АЙЛАНГ, УЙИ БУЗИЛМАСИН...

"Қирқ йил дўст бўлсанг ҳам..." - 47-сон

ЭСЛАТМА: "Қирқ йил дўст бўлсанг ҳам, қирқ кунгина қуда бўлганингдан сўнг дўстингнинг кимлигини билиб оласан", деган сўзларнинг маъносини энди-энди тушуна бошладим... ...Мени эса итариб кўчага чиқариб юборишди.

Муаллиф: ГУЛБАШАКАР

Мақолани ўқиб, кўп йиллик қадрдон икки дўст қуда бўлишгани, кейинчалик дўстлик ришталари узилиб қолгани ёдимга тушди. Менга таниш бу оила тотув-иноқ, меҳнаткаш, аёли эрига итоатли, соддадил, жуда ишонувчан эди. "Узоқнинг буғдойидан яқиннинг сомони яхши", дея ён қўшни қизни келин қилишди. «Ҳар тугул бу қиз кўз ўнгимда катта бўлганку. Боз устига қизнинг ота-онаси: "50 йиллик қадрдон-дўстмиз, ишга борганида ҳам, ишдан қайтишда ҳам тўғри бизнинг уйга кириб, бир хабар оларди. Яқиндан, дугонамнинг қизини келин қилдим", - деб хурсанд бўлди йигитнинг онаси.

"Қирқ йил дўст бўлсанг ҳам, қирқ кун қуда бўлсанг дўстингнинг кимлигини билиб оласан", деган сўзнинг мағзини эса кейинроқ чақиб олишибди. Бир куни қайнона ўғлининг уйига кириб қараса, сепидаги кўрпа-тўшагининг ярмидан кўпи йўқ, индамади. Билиб-билмасликка олди. Ўғли билан келини бахтли бўлишса бўлди-да. Шундай бўлса-да, қуда-дугонасига бир оғиз гап очган эди, битта гапга ўнта гап эшитиб, ёқасини ушлади. Маълум бўлишича, янги келинчакка опасининг кўрпа-тўшакларидан олиб келинган ва кейинчалик қайтариб берилган. Қайнона ўзи бозор-ўчар қилиб, келинга янги кўрпа-тўшак тортиқ қилди. Қайнона келинчакни ёш деб, уй-рўзғор ишларини, юмушларини ўзи қилди. Бу келинга мадад бўлди. Бироқ келинчак ҳар хил "ҳунар" кўрсата бошлади. Қайнота-қайнонасини ҳеч ҳурмат-иззат қилмади. Янги келин оғзидан шоди кириб, боди чиқарди. Уйи яқин эмасми, икки уй оралиғида гап-сўзлар кўпайди. Пировардида, уйдан барака кетди. Устига-устак келинчак куйкунак чиқиб қолди. Қайнонаси ахён-ахёнда ўз қизлариникига бориб, юмушларига ёрдам берса ҳам келин куйкунаклик қилиб, ҳе йўқ, бе йўқ, сабабсиз жанжал бошларди. Бу жанжал ахийри қуёв хотинига мушт кўтаришгача бориб етди. Шу зайлда вақт ўтиб, улар фарзандлик бўлишди. Ҳа, энди, боласи билан овуниб, қуюлиб қолар, дейишди. Қайда?! Гап кўпайса кўпайдики, камаймади. Бир куни қайнота-қайнона ҳовлидаги сўрида гаплашиб ўтириб, телесериалдаги актриса ролини сўзлашса, келин тушмагур: "Мени гапиряпти, шекилли", - деб, кутилмаганда "шу тилингни суғуриб оламан", деса бўладими? Бу гапни қайнота кўтара олмасдан, асаби бузилди, қон босими бирдан ошди, юраги сиқилиб, йиқилди. Чақирилган "тез тиббий ёрдам" шифокорлари муолажа қилишса-да, нафи бўлмади. Миядаги қон қуйилиши сабабли, боягина соғ бўлган одам энди йўқ эди.

Бошларига шундай мусибат тушса-да, невараларини ўйлаб (данагидан мағзи ширин-да), ўғлимнинг оиласи бузилмасин, дея келинни уйдан итариб, ҳайдаб чиқармади.

Икки қудадан бири у дунёга равона бўлгач, марҳум дўст ҳурмати эркак қуда бошини ҳам қилди. Аёл қудалар эса юз кўрмас бўлиб, дўстлик ришталари узилди.

Умр ўтар, мисоли дарё. Йил ўтди. Келин энди хушмуомала, сўзини эҳтиёт билан сўзласа, тилини ихтиёрида асраса, ёмон гапдан тийилса керак, деб ўйлашди. Чучварани хом санашган экан, тили баттар узун бўлди..Келин гўё қайнона. Қайнонани эрига, болаларига ёмон отлиғ қилиб кўрсатарди. Яхшики, эри мулоҳазали, ҳар томонлама ўйлаб, оғир-босиқлик қиларди.

Якка қолган қайнона ўзи ёлғиз ҳолда қозонини алоҳида қилиб олди, келин билан гаплашмай қўйди. Чунки, келин гап-сўзлари суякка бориб тақалганди. Тинчлигим - ҳурлигим деди.

- Кўп йиллик дўстимизнинг қизини ўғлимга мажбуран олиб берган эдим. Ўғлим бунга тиш-тирноғи билан қарши чиққанди- дейди хўрсиниб онахон,- гапларига қулоқ солмабмиз. Айб ўзимизда. Ўғлимни уйлантирганда кўзимиз кўр эканмикан ёки қулоқ кар. Қудамиз тўйдан олдин бошқача эди. Инсон ўзгарар экан-да.

16.40 "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.15 Олтин мерос.
17.25 "Тарих кўзгуси".
17.45 **"2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили". "**Яхшилик".
18.05 "Минг бир ривоят".
18.10 "Ҳидоят сари".
18.35 "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон". Телесериал.
19.05 "Оҳанглар оғушида".
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан. "Ватан фидойилари".
19.30 "Ахборот" (рус)
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Ишқ эртаги".
21.00 "Ахборот".
21.40 Эркин мавзу.
22.00 "Чин муҳаббат".
23.20 "Олам ва одам" дастури: "Маи-маи овловчилари".

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 Болалар шеърияти.
8.20 "Фан" туркуми: "Пилдироқ технологияси".
8.30 Юртим юраги.
8.40 Давр мавзуси.
8.55 Анонслар.
9.00 "Қалбим чечаги". Сериал.
9.50 SMS-танлов.
9.55 Ватан ҳақида ўйлар.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 Мусиқий лаҳзалар.
10.25 Интерфутбол.
12.05 SMS-танлов.
12.10 "Ғурур". Сериал. 24-қисм.
13.00 Давр.
13.10 Анонслар.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 "Фан" туркуми: "Кимёвий элементлар жадвали".
14.25 "Ханда" ижодий гуруҳи тақдим этади: "Ҳандалак".
14.45 "Экспедиция". Сериал.
15.35 Чегарачи.
15.55 Ватан ҳақида ўйлар.
16.00 Давр.
16.10 Анонслар.
16.15 "Қуюшқондан чиққанда". Бадиий фильм.
17.30 Меҳмонхона.
17.50 Ёнимдаги бахт.
17.55 Анонслар.
18.00 "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". Сериал.
18.40 Мусиқий лаҳзалар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 "Моя мечта". Дунё таомлари.
20.00 Спорт-лото.
20.10 Рўзғор мактаби.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Эълонлар.
21.00 "Ғурур". Сериал. 25-қисм.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 SMS-танлов.
22.40 Кўнгил таронаси.
22.50 Анонслар.
22.55 Эълонлар.
23.00 "Ёлғон асираси". Сериал.
23.45 – 23.50 **ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ.**

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.30 **"Пойтахт". /рус/.**
18.50 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли. телесериал.
19.15 "Аёл қалби".
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 **"Пойтахт".**
20.20, 21.50 "Тв анонс".
20.25 "Яхши-ёмон йигитлар". Телесериал. /рус/.
20.50, 21.25 "Телекурьер маркет".
21.00 "Оқшом наволари".
21.20 "Тв юрист".
21.35 "Нафс гирдоби" ҳужжатли фильм.
21.55 "Эники-беники операцияси". Бадиий фильм.

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (Рус)
8.20 Мультсериал.
8.45 "Болалар спорти".
9.00 "Хабарлар" (ўзб)
9.20 Мультфильм.
9.30 "Детективы".
10.00 От спорти. Жаҳон кубоги олдидан.
10.15 "Тақдир чизгилари".
10.35 "Волшебник изумрудного города". Мультфильм.
11.15-12.15 "Талисман".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультсериал.
18.30 "Хабарлар" (Рус)
18.50 "Поле чудес".
20.00 "Вести".
20.20 Идолы: Чарли Чаплин.
21.05 "Майдон ортидаги одам".
21.30 "Хабарлар" (ўзб)
21.50 "Аптека слушает".
22.35 "Апрельские заморозки". Худ. фильм.
00.05 Велоспорт. Тур де Франс.

TV-MARKAZ

12.00 Марказ NEWS (узб.)
12.15 Мировые хиты
13.00 Марказ NEWS (рус.)
13.15 Узбек наволари
14.00 «Юлдузли пайшанба» (повтор)
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня «Король-Лев»
16.20 Мировые хиты
16.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
16.50 Узбек наволари
17.00 «Судьбы» (повтор)
17.30 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб.)
18.15 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус.)
19.15 Сериал «Игра на выбывание» 2-серия
20.15 Узбек наволари
22.00 Кино «Бандиты»
00.20 Миксер

4.55 «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 «Доброе утро»
8.30 «Агент национальной безопасности».
9.30 «Доктор Курпатов»
10.00 «Малахов + «
11.00 Новости
11.15 Сериал «Талисман»
12.25 «Вне закона». «Преступная «Жилка». 1-я серия
12.55 Борис Щербаков, Леонид Куравлев в сериале «Сыщики»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 «Офицеры». Многосерийный фильм
15.20 «Детективы»
15.55 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 «Вне закона». «Преступная «Жилка». 2-я серия
17.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
18.55 «Поле чудес»
20.00 Время
20.25 Том Хенкс в суперфильме «Изгой»
22.50 «Машина времени» и «Воскресенье». «Музыка ручной работы»
0.10 Ричард Гир, Шон Коннери в приключенческом фильме «Первый рыцарь»
2.00 Время
2.25 Фильм «Первый рыцарь». Продолжение
2.50 Приключенческий фильм «Предвестники бури»
4.15 «Бандиты эпохи социализма». «Фантомасы из Ростова». Д/ф

4:00 «Доброе утро, Россия!».
7:45 Светлана Антонова, Денис Матросов, Оскар Кучера и Татьяна Васильева в комедийном сериале «Любовь моя».
8:50 ПРЕМЬЕРА. Ольга Понизова и Александр Пороховщиков в приключенческом телесериале «Авантюристка».
9:50 ВЕСТИ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:50 ПРЕМЬЕРА. Владимир Ильин, Дарья Досталь, Людмила Гурченко, Владимир Стеклов, Лия Ахеджакова и Альберт Филозов в ироничном детективе «Горыныч и Виктория».
12:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:00 ВЕСТИ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 Александр Дедюшко и Лев Дуров в телесериале «Оперативный псевдоним».
15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долинский и Анатолий Лобоцкий в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!».
20:15 «Юрмала». Международный фестиваль юмористических программ.
22:10 Георгий Бурков, Людмила Чурсина и Тамара Семина в детективе «Убийство свидетеля». 1990г.
23:40 Дензел Вашингтон и Джулия Робертс в остросюжетном фильме «Дело о пеликанах» (США). 1993г.
2:30 «Дорожный патруль».
2:40 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Виктор Проскурин, Сергей Юшкевич, Агнесса Зелтыня, Олеся Поташинская и Александр Леньков в военном детективе «Человек войны».
3:30 ПРЕМЬЕРА. Роб Лоу и Том Сайзмор в телесериале «Доктор Вегас» (США).
4:00 Канал «Евроньюс».

ШАНБА 22

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Ёз – ўтмокда соз":
8.50 "Олтин тож". Телеўйин.
9.25 Биржа ва банк хабарлари.
9.30 "Шифокор қабулида".
9.50 "Мусиқа дунёси".
10.10 "Оналар мактаби".
10.30 1."Чинсен". 2."Маврид".
11.10 "Ишқ эртаги". Телесериал.
11.45 "Заковат".
12.40 ТВ анонс.
12.45 "Чин муҳаббат". Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Ватанпарвар".
"Болалар сайёраси":
16.20 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.25 ТВ анонс.
17.30 " Олтин бешик"
18.00 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
18.20 "Оҳанглар оғушида".
18.25 "Минг бир маслаҳат".
18.45 "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон". Телесериал.
19.15 "Суперлото". Телелотерея.
19.20 "Сизнинг адвокатингиз".
19.25, 19.55, 20.55 , 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.05 "Омон бўлинг!"
20.10 "Меҳр кўзда".
20.50 "Минг бир ривоят".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Шийпондаги учрашувлар". Дала меҳнаткашлари ҳузурида.
22.25 "Обод манзиллар".
22.35 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.45 "Жаҳон киноси хазинасидан". "Анна Каренина". Бадиий фильм. 1-қисм.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Даврнинг боласи.
8.10 "Саккизоёқчалар". Мультфильм.
8.20 "Фан" туркуми: "Пилдироқ технологияси".
8.30 Ватан ҳақида ўйлар.
8.35 "Бу шундай бўлган эди..." "Тановар" рақсининг тарихи.
8.55 Анонслар.
9.00 "Зерда". Сериал. 5-қисм.
10.00 Давр.
10.10 Анонслар.
10.15 "Зерда". Сериал. 6-қисм.
11.15 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Меъёр – соғлиқ гарови".
11.35 "Ниҳол" мукофоти совриндори Шаҳло Рустамова куйлайди.
12.05 SMS-танлов.
12.10 "Ғурур". Сериал. 25-қисм.
13.00 Давр.
13.10 Ватан ҳақида ўйлар.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 Бола тилидан.
14.45 "Янги авлод" шоуси.
15.00 Антиқа томоша....
15.30 "Ханда" ижодий гуруҳи тақдим этади: "Қўшқулоқ".
15.50 Мусиқий лаҳзалар.
16.00 Давр.
16.10 "Ортиқча юк". Бадиий фильм.
17.45 Чемпион сирлари.
18.05 "Қаҳқаҳа" театр студияси намойиш этади.
18.35 Каталог.
18.45 Ватан ҳақида ўйлар.
18.50 "Камолот" хабарлари.
19.00 Давр.
19.35 Юлдуз билан....
20.05 "Кулгутерапия". Абдурахмон Сиддиқов.
20.20 Эълонлар.
20.30 "ЗЕРДА". Сериал. 7-қисм.
21.30 "Дилрабо". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаева.
куйлайди.
22.00 Давр.
22.35 Анонслар.
22.40 Оҳанрабо.
23.20 "YOSHLAR"да премьера: "Муннабой". Бадиий фильм (Ҳиндистон)
01.55 –02.00 **ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНАДИ.**

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

"8.00-13.00 " гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани". "Табассум" /рус/.
18.30 "O'zbektelifilm" маҳсулоти: "Ўзбек таомлари". Ҳужжатли фильм.
18.50, 20.55, 22.10 "Тв анонс".
18.55 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли телесериал.
19.20, 21.20 "Телекурьер маркет".
19.30 "Табриклаймиз,".
20.00 "Тв юрист.
20.05 **Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллигига "Ҳамшаҳарлар".**
20.25 "Олқиш".
21.00 "Оқшом наволари".
21.30 "Тв юрист".
21.35 "Мулоҳаза учун мавзу".
22.15 "Қайсар қизнинг қуюлиши". Бадиий фильм. /рус/.

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Смак".
9.25 "Фазенда".
10.00 "Соғлом оила".
10.25 Мультфильм.
11.00 "Военное дело".
11.20 "Незабываемые места Франции".
12.15 "Ералаш".
12.35 Комедия. "Королевская свадьба".
14.05-14.45 "Стать ближе".
***
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 "Юрмала".
20.00 "Вести".
20.20 "Иқтидор".
21.10 "Захирадаги спортчи".
21.30 "Хабарлар" (ўзб тилида)
21.50 "Халқ ўйинлари".
22.10 Музыкальный марафон.
22.50 Велоспорт. Тур де Франс.
23.20 Россия чемпионати.

TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
13.30. «ТОП-20» (повтор)
14.15 Мировые хиты
14.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
14.50 Узбек наволари
15.00 Теленяня «Король-Лев-2»
16.20 Узбек наволари
16.30 «Очил дастурхон» (повтор)
17.00 Узбек наволари
17.30 «Юлдузли пайшанба»
18.00 TOTAL NEWS (узб.)
18.20 Узбек наволари
19.00 TOTAL NEWS (рус.)
19.20 Индийское кино
21.00 Узбек наволари
22.00 Кино «Три икса»
24.00 Миксер
00.30 «Миссия неповторима»

ОРТ

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
5.35 Приключенческий фильм «Заколдованная Элла»
7.15 «Играй, гармонь любимая!»
7.55 Слово пастыря
8.10 Здоровье
9.00 Новости
9.10 «Смак»
9.25 «Фазенда»
10.00 «Рублевка». Документальный фильм
11.00 Новости (с субтитрами)
11.15 «Джунгли». Фильм 3-й. «Города-призраки»
12.15 «Ералаш»
12.35 Виталий Соломин в комедии «Крепкий орешек»
14.00 «КВН-2006». Премьер - лига
15.30 Жерар Депардье, Жан Рено в комедии «Невезучие»
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.10 «Идолы». Мирей Матье
17.45 Премьера. «Бисквит»
19.00 «Кто хочет стать миллионером?» с Максимом Галкиным
20.00 Время
20.20 «Фабрика звезд». Лучшее
21.45 Премьера. Комедия «Дочь моего босса» (2003 год)
23.10 Памяти Александра Кайдановского.«Сталкер»
2.00 Взрослый сын молодой матери в фильме «Малыш»
4.00 «Рублевка». Д/ф

РТР

5:00 «Доброе утро, Россия!».
6:40 «Золотой ключ». Итоги тиража.
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
7:20 «Кошкин дом». «Хвосты». Мультфильмы.
8:05 «Утренняя почта».
8:35 Изольда Извицкая, Анатолий Кузнецов, Евгений Самойлов и Лидия Федосеева-Шукшина в фильме «К Черному морю». 1957г.
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
10:20 «В поисках приключений. Лучшее».
11:15 ПРЕМЬЕРА. Екатерина Архарова, Алла Каравацкая и Сергей Юшкевич в сериале «Частный детектив».
12:10 ПРЕМЬЕРА. «Музыка в стране глухих».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 РОДНОЕ КИНО. Александр Демьяненко, Владимир Высоцкий и Татьяна Конюхова в фильме «Карьера Димы Горина».
15:00 «Сергей Герасимов. Богатырская симфония».
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
17:00 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
17:30 «Кулагин». Телесериал.
18:30 «Честный детектив». Авторская программа Эдуарда Петрова.
19:00 ВЕСТИ.
19:20 «Субботний вечер».
21:15 Алек Болдуин в остросюжетном фильме «Меркурий в опасности» (США). 1998г.
23:25 Джим Кэрри в комедии «Эйс Вентура - 2: Зов природы»
1:15 «Горячая десятка».
2:15 Кристофер Ли в фильме «Аэропорт-77» (США). 1977г.
4:20 Канал «Евроньюс» на русском языке.

ЯКШАНБА 23

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.40 Олтин мерос.
"Ёз – ўтмокда соз ":
8.45 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Спирит-Симорон оти". Мультфильм.
10.45 2006 – Ҳомийлар ва шифокорлар йили. "Саломатлик сирлари".
11.05 "Навобахш".
11.50 "Шўрданак". Ҳажвий кўрсатув.
12.15 "Шийпондаги учрашувлар". Дала меҳнаткашлари ҳузурида.
13.00 "Аршин мол олан". Бадиий фильм.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
16.10 Ватан ҳақида қўшиқлар.
16.20 "Шоҳизинда: кеча ва бугун".
"Болалар сайёраси":
17.05 "Олтин тож". Телеўйин.
17.40 "Одами эрсанг".
18.00 "КулдиРИНГ".
18.30 "Оҳанглар оғушида".
18.40 "Интеллектуал ринг".
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "50х50". Ток-шоу.
21.00 "Таҳлилнома".
21.50 "Мен тоғнинг қизиман". Ҳосила Раҳимова.
22.30 "КиноТеатр".
23.00 "Жаҳон киноси хазинасидан". "Анна Каренина".
Бадиий фильм. 2-қисм.
00.05-00.10 Тунги наволар.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.55 Дастурнинг очилиши.
6.00 ЯНГИ ТОНГ.
8.00 Анонслар.
8.05 Рўзғор мактаби.
8.25 SMS-танлов.
8.30 Полапон.
8.45 Ватан ҳақида ўйлар.
8.50 "Камолот" хабарлари.
9.00 "Ватанпарвар" дастури.
10.00 "Journal" (инглиз тилида)
10.15 Анонслар.
10.20 Оҳанрабо.
11.00 Якшанба нонуштаси.
11.30 Радиодан кўрсатамиз...
11.50 "Ошиқона". Анвар Исроилов куйлайди.
12.20 "Ханда" ижодий гуруҳи тақдим этади: "Гап йўқ..."
13.10 Анонслар.
13.15 ЯНГИ КУН.
14.15 SMS-танлов.
14.20 "Ёқимтой шаҳзода". Бадиий фильм.
15.55 Ёнимдаги бахт.
16.00 Анонслар.
16.05 "Кулгутерапия". Абдурахмон Сиддиқов.
16.20 Ринг қироллари.
17.10 Чемпион сирлари.
17.30 SMS-танлов.
17.35 Мусиқий лаҳзалар.
17.55 Ватан ҳақида ўйлар.
18.00 "Қилни қирқ ёриб..." Интеллектуал ўйин.
18.55 Иқлим.
19.00 "Давр" ҳафта ичида.
19.40 Юртим юраги.
19.50 "Ошуфта дил". Ўлмас Олоберганов куйлайди.
20.20 Эълонлар.
20.30 "ЗЕРДА". Сериал. 8-қисм.
21.30 Кўнгил таронаси.
21.40 CINEMANIYA.
22.00 "YOSHLAR"да премьера. "Афсона". Бадиий фильм.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

"8.00-13.00 " гача кўнгилочар информацион мусиқий дастур.
18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экрани".
18.35 "Кино олами" /рус/.
18.50 "23, 5 даражали бурчак остида". Ҳужжатли. телесериал.
19.15, 22.00, "Тв анонс".
19.20, 21.20 "Телекурьер маркет".
19.30 "Табриклаймиз, қутлаймиз".
20.00 "Журналист таҳлили".
20.20 "Нима учун?"
21.00 "Оқшом наволари".
21.30 "Тв юрист".
21.35 "Сиз кутган учрашув".
22.05 "Осмондан тушган мерос". Бадиий фильм.
23.25-23.30 "Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT TV

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Бодрое утро".
8.50 "Хабарлар" (Рус тилида)
9.10 "Непутевые заметки".
9.25 "Пока все дома".
10.10 "Қувноқ стартлар".
10.50 "Рақибингиз гроссмейстер".
11.10 "Мир животных".
11.55 "ПРоф-РИНГ".
12.45 "Кунгилга йўл".
13.05-15.00 "Звезды юмора".
***
"Sport" телерадиоканали.
18.00 "Болалар спорти".
18.20 Мультфильм.
18.30 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тайм - аут".
20.00 "Вести".
20.20 "Ровесник".
20.40 "Келин-куёв". Шоу дастур.
21.30 "Талқин". Информационтаҳлилий кўрсатув.
22.00 "Келин-куёв". Шоу дастур (Давоми)
22.30 Комедия. "Дорога на Бали".
24.00 Ўртоқлик учрашуви.
1.30 "Тунингиз осуда бўлси

TV-MARKAZ

12.00 TOTAL NEWS (узб.)
12.20 Узбек наволари
13.00 TOTAL NEWS (рус.)
13.20 Узбек наволари
14.00 Мировые хиты
14.30 Узбек наволари
15.00 Теленяня «Король-Лев-3»
16.20 Узбек наволари
17.00 TOTAL NEWS (узб.)
17.20 Узбек наволари
18.00 TOTAL NEWS (рус.)
18.20 Узбек наволари
19.00 Спецрепортаж
19.20 Индийское кино
20.40 Мировые хиты
21.00 «ТОП-20»
21.45 Узбек наволари
22.00 Кино SMS-голосование: 1. «Особенности национальной охоты», 2. «Особенности национальной рыбалки», 3. «Особенности национальной охоты в зимний период».
24.00 Узбек наволари
00.30 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
00.50 Узбек наволари

ОРТ

5.00 Новости
5.10 «Шутка за шуткой». Юмористическая программа
5.40 «Гении и злодеи». Лион Фейхтвангер
6.10 Александр Кайдановский, Владимир Высоцкий в фильме «Четвертый»
7.30 Армейский магазин
7.55 «Андрей Вознесенский». Документальный фильм
9.00 Новости
9.10 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
9.25 Пока все дома
10.10 Искатели. «Ритуальная чаша скифов»
11.00 Новости (с субтитрами)
11.15 Премьера. «Великие династии: Трубецкие»
12.15 Премьера. «Чужой среди своих». Александр Кайдановский
13.05 «Звезды юмора»
15.00 Футбол. Чемпионат России. ЦСКА - «Крылья советов». Прямой эфир
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.25 «Новые песни о главном»
20.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
20.45 Джоди Фостер в триллере «Комната страха»
23.00 Профилактика
2.00 Джеки Чан в фильме «Разборки в Бронксе»
3.30 «Идолы». Чарли Чаплин. 2-я серия
4.00 Пока все дома

РТР

4:45 Михаил Пуговкин, Татьяна Конюхова, Изольда Извицкая, Лев Дуров и Евгений Матвеев в фильме «Доброе утро». 1955г.
6:15 «Здоровье».
6:35 «Сельский час».
7:00 ВЕСТИ.
7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
7:20 «Волшебное кольцо». «В стране невыученных уроков». Мультфильмы.
8:00 Нонна Мордюкова, Светлана Крючкова, Юрий Богатырев и Иван Бортник в фильме Никиты Михалкова «Родня». 1981г.
10:00 ВЕСТИ.
10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:20 «Аншлаг и Компания».
11:15 ПРЕМЬЕРА. Екатерина Архарова, Алла Каравацкая и Сергей Юшкевич в сериале «Частный детектив».
12:10 «Евгений Леонов. «А слезы капали...».
13:00 ВЕСТИ.
13:20 «Фитиль N 96». Сатирический тележурнал.
14:05 Альгис Матуленис и Лилита Озолиня в детективе «Двойной капкан». 1985г.
16:45 ПРЕМЬЕРА. «Королева тигров. Маргарита Назарова».
17:40 Юбилейный концерт «Москонцерту - 75!».
19:00 «ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
20:00 СДЕЛАНО В РОССИИ. Ирина Розанова, Тигран Кеосаян, Андрей Финягин, Андрей Ташков и Владимир Шевельков в остросюжетном фильме «Любовница». 2005г.
22:35 Эдди Мерфи в комедийном боевике «Полицейский из Беверли-Хиллз» (США). 1984г.

BOLALAR Burchagi

Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!

BILMASVOY

Davlatnazar ATABAEV.
Xorazm viloyati, Xiva shahri,
Qasmabod shaharchasi,
3-maktabning 5 «b» sinf
o'quvchisi.

NASRIDDIN AFANDI

SAYOHATCHI OLAPAR

DO'STLIK

Do'stlik—po'lat
Do'stlik—olov
Do'stlik bilan
Yanchiladi yov!
Do'stlik—quyosh
Do'stlik—bu nur
Do'sti ko'plar
Qilar huzur!

SINGLIM

Mening yosh singlim bor,
Uning ismi Lutfiya.
Yuzida kulguchi bor,
Shirin, asal qizgina.

PARTADOSHIM

Partadoshim Shoxrux,
O'zi ko'p sho'xgina.
To'palon gam qiladi,
Ozgina-yu, ko'pina.
Shoxrux sinfdoshim,
Partadoshim bo'ladi.
Sinfdoshlar ichida,
Eng ko'p narsa biladi.

Qunduzxon USMONOVA.
Toshkent viloyati, Qibray tumani
9-maktabning 5-sinf o'quvchisi.

Akbar ABDUSHARIPOV.
Xorazm viloyati, Xiva shahri,
Qasmabod shaharchasi,
3-maktabning 3 «b» sinf o'quvchisi.

Истиқлол илҳомлари

Ушбу шеърлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тавсияси билан чоп этилмоқда.

ЮРТПАРВАРНИНГ ОНАСИ...

Қил сиғмаган маҳал юракка,
Менгинани тинч қўйгин, бир пас.
Айланмасин ҳаёт эрмакка,
Хушвақт ўтсин ҳар ютган нафас.

Бахтим эди фарзандимда жо,
Бўйларини кўриб қувнардим.
Ким термулса ўғлимга бежо -
Гумон ичра дилни қийнардим.

Душман ўқи уни ўлдирди,
Етолмади ҳатто тўйига.
Кўз яшнатар гулни сўлдирди,
Бир қиз қолди толиб ўйига.

Ватан учун жон берди ўғлим,
Юртпарварнинг онаси бўлдим.
Душманларга ортмоқда қаҳрим,
Йўқотишдан ўлиб-тирилдим.

Хаёлимда худди тирикдай,
Ватан! Ватан, дея ҳайқирар.
Кўкрагимда турган юракдай,
Соғинчлардан ноилож қалқар.

Ёлғиз қолсам, ёлғизим ўйлаб,
Суратига боқиб йиғлайман.
Бор қаҳримни юракка жойлаб,
У қотилни ҳар дам қарғайман.

Юракка қил сиғмаган дамлар,
Тинчлик бермас менга хаёллар.
Эшитилди дадил қадамлар,
Меҳр билан қарар одамлар.

* * *

Бу дунёни тарк этар одам,
Танамизда қолмас бир кун жон.
Ёшми, қари - танламас ўлим,
Дардин тўкмай кетолмас инсон!

Учрамасин йўлларда қайғу,
Кўнгилларни эзмасин одам.
Армон билан кетмасин ҳеч ким,
Адолат деб ушладим қалам.

* * *

Қўшнинг хаста бўлса, гар кўролмасанг,
Жигаринг жон берса, бир боролмасанг.
Ёв босса Ватанни, жангга кирмасанг,
Бу бошинг, бу жонинг қайга элтасан?

Мол-дунёнг кўпайиб, соғлигинг кетса,
Касаллик танангни чилпарчин этса,
Оч-наҳор фарзандинг тўшакда ётса,
Давлатинг, мол-дунёнг қайга элтасан?

Мавлуда РЎЗИЕВА,
Самарқанд вилояти, Иштихон тумани,
Хонақа қишлоғи.

БУНИ ҲАЁТ ДЕРЛАР...

Сочга оқ оралаб,
Қоғоз қоралаб,
Элликни элакдан ўтказмоқдаман.
Ҳаёт сабоқларин бир-бир саралаб,
Ўғил-қизларимга тутқазмоқдаман.

Эй, илму маърифат ила машғул, банд,
Қизларим-боғимда унган гулларим.
Эй, ғурур бобида ҳаммадан баланд -
Улларим, алломишифат улларим.

Бу юртнинг эгаси, эртаси ҳам Сиз,
Ўзбек диёри бу - бағрикенг, чўнг дил,
Ватан ичра Сиз ҳам битта Ватансиз,
Лекин дуч келганга очмангиз кўнгил.

Буни ҳаёт дерлар,
Сўқмоқлари кўп,
Сира кўз илғамас тўқмоқлари бор.
Бу ёруғ дунёда адашганлар кўп,
Алданиб қолганлар янада бисёр.

Буни ҳаёт дерлар,
Гоҳида ширин,
Гоҳида дард каби оғир, ҳам тахир,
Шу дамда кимнидир қуритиб шўрин,
Кимгадир бахт ато этиб тургандир.

Гоҳ ишинг юришмас, гоҳо юришар,
Ногоҳ кўриб қолса кўзда ёшингни,
Қаттиққўл отадай қаттиқ уришар,
Меҳрибон онадай силар бошингни...

Буни ҳаёт дерлар...

ТЎРТЛИКЛАР

Бу ғариб дунёга ишонма, эй дил,
Кўнгил сирларини кўнгилга кўмгил.
Эзгу амаллардан нишона деб бил,
Ки бирор кўнгилда очилса бир гул.

* * *

Азизим, бир нафас ўйларга чўмгил,
"Кўзни юмгил, кўзга айлансин кўнгил".
Кўнгилда ҳисмат кўп, Гап кўнгилдадир,
Бегубор кўнгилдан айлансин кўнгил.

* * *

Бунча бино қўйма ўзингга, эй дил,
Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил.
Тилга эрк бермагил, эрк берма зинҳор,
Суякни синдирар бесуяк бу тил.

Қурбон ТЎРА,
Жиззах вилояти, Дўстлик тумани,
Мевазор қишлоғи

КУЛГУ БЕКАТИ

- Болалар, бугун феълларнинг туслanишини ўтамиз. "Мен турибман", "сен турибсан", "у турибди", "биз турибмиз", "сиз турибсиз", "улар турибдилар",-деди ўқитувчи янги мавзуга мисол келтириб.

Кейин ўқувчидан сўради:

- Боқивой, қани айт-чи, туслanишдан нимани тушундинг?

- Ҳамма турибди.

* * *

Ўқитувчи:

- Шуни унутмангки, болалар, ҳаёт учун энг зарур бўлган кислород 1773 йилда кашф қилинган.

Ўқувчи:

- Вой, унгача одамлар нима билан нафас олишган?

* * *

Ўқитувчи:

- Шу тангани кислотага ташласам эрийдими?

Ўқувчи:

- Йўқ.

- Тўғри, қаёқдан билдинг?

Ўқувчи:

- Эриса, ташламасдингиз-да!

* * *

Ўқитувчи:

- Эшматов, "яхшиямки" жумласидан кириш сўзи қатнашган гап туз-чи.

Эшматов:

- Қароқчилар кеч қолган йўловчини тутиб олиб, ўлдиришди, яхшиямки, у хамёнини уйда қолдирган эди.

* * *

Ўқитувчи:

- Эшматов, ёнингда хуррак отаётган Тошматовни уйғотиб қўй.

Эшматов:

- Кечирасиз, уни мен эмас, сиз ухлатдингиз. Ўзингиз уйғота қолинг.

* * *

Дарсга кечикиб кирган Эшматовдан ўқитувчи сўради:

- Нега кечикдинг?

- Ойим 500 сўм пулларини йўқотиб қўйиб, роса ахтардилар.

- Сен ахтаришиб юбордингми?

- Йўқ, ўша пулнинг устида мен тургандим-да.

* * *

Бутун синф "Борди-ю, миллион сўм пулим бўлганда" мавзусида иншо ёзарди.

Тинимсиз алланималар ёзган Эшматов, бирдан тўхтаб, чуқур хўрсинди, сўнг аста муаллимининг ёнига келди-да, қўлидаги ҳисоб-китоблардан кўз узмай сўради:

- Кечирасиз устоз, яна ўн минг сўм қўшишнинг иложи йўқми?

* * *

Айтайлик, дадангнинг ҳамёнида 3500 сўм пул бор эди. У яна 7500 сўм маош олди. Дадангнинг жами пули қанча бўлди?

- Айтолмайман. Дадам бировнинг чўнтагини кавлама, деганлар.

- Азамат, укангни ўйнатаяпсанми?

- Йўқ, уни Азиза опам кўтариб юрибди. Мен ўзимни ўйнатаяпман.

* * *

- Дада, директоримиз математикани билмайдими?

- Нимайди?

- Бугун математика дарсида охирги партада ўтириб, биз билан бирга ўқидилар-да.

* * *

- Обид, кап-катта боласану юк халтангни укангга кўтартириб қўйибсан-а.

- Мен унга ўзидан катталарга қандай ёрдам беришни ўргатаяпман-да.

* * *

- Тўлқинжон, акаларингдан қайси бирига ўхшашни хоҳлайсан?

- Мен укамдай бўлишни истайман.

- Нима учун?

- Акаларимнинг иккаласи ҳам ёлғончи, укам эса ҳали алдашни билмайди.

Муҳаббат ҲАМИДОВА

СИРИМНИ ОШКОР ҚИЛГАНДИМ...



Ёшим 27 да. Отам каттагина лавозимда ишлайди, онам уй бекаси. Оилада 1 қиз, 2 ўғил бўлиб, барчамиз олий маълумотлимиз. Оилада биринчи фарзанд бўлганлигим учун адажоним нимани хоҳласам, муҳайё қиларди. Мактабни тугатгач, Тошкентдаги олийгоҳлардан бирининг талабаси бўлдим. Отам доимо: "Қизим, сен йигитлар билан гаплашмагин, фақат яхши ўқишинг керак", - дерди. Адажонимни шунчалар яхши кўрар эдимки, уларнинг гаплари мен учун қонун эди. Унинг гапини икки қилсам, юзига оёқ қўйгандек бўлардим. Баъзан отам билан суҳбатлашиб ўтиргим келарди. Афсуски, унинг вақти йўқ эди. Бир куни отам онамга ўзи билан бирга ишлайдиган дўстининг ўғли билан учрашишимни айтибди. Отамнинг ҳурмати учун дам олиш куни учрашдим. У йигит бир неча кун аввал отамни зиёфатга олиб кетганди. Уни бир кўришдаёқ севиб қолдим. У менинг орзуимдаги йигит эди. Ўша куни шаҳар айланиб, кинога тушиб, кечга яқин уйга қайтдик. Дарвоза олдида бизни адажоним кутиб олди. Отам А. акамни кузатиб уйга кираркан: "Қизим, раҳмат", - дея бағрига босиб, кўз ёшларини секин артди. Адажонимнинг кўкси шунчалар иссиқ ва меҳрли эдики, гўёки ёш боладек аввал эркаланиб, сўнгра маҳкам қучиб, мен ҳам беихтиёр йиғлардим. Аммо нега йиғлаётганимни ўзим билмасдим.

2-3 ойдан сўнг олийгоҳни тугатгач, бизнинг тўйимиз бўлиши керак эди. Бир куни синфдошим Н. қўнғироқ қилиб гаплашиб олишимиз кераклигини айтди ва мени қайта безовта қилмасликка сўз берди. А. акам билан менга бахт тилаб, ўзи Россияга ишлаш учун кетаётганини айтганда, унга жуда-жуда раҳмим келиб, учрашишга рози бўлдим. У ҳам 2-3 йилдан буён мени яхши кўриб юрарди. У билан шаҳар чеккасидаги ошхонада овқатланиб, анча вақтгача гаплашиб ўтирдик. Н. мени бир умр севишини ва менинг муҳаббатим билан яшашини айтар, А. акам билан менга бахт тилаб, йиғларди. Унинг кўз ёшларини кўриб, ичимдан эзилиб кетдим. Қанча вақт ўтиргани-мни билмайман, бир пайт бошим айланиб, юрагим ёмон бўла бошлади. Ташқарига чиқмоқчи бўлиб ўрнимдан турганди-м, беҳол ўтириб қолдим. Н. бўлса овқатнинг пулини тўлаб, мени суяб ташқарига олиб чиқди. Сўнгра нима бўлганини билмайман...

Эрталаб ўрнимдан турганимда бегона уйда, ярим яланғоч ҳолда ётардим. Ўзимдан ҳам, синфдошимдан ҳам нафратланиб кетдим. Тутақиб кетганимдан унинг башарасига тарсаки туширдим. У бўлса: "Нима қилсанг ҳам тўйгача барча қилиқларингга чидайман-у, аммо тўйдан кейин ҳисоб-китоб қиламиз. Керак бўлса, ота-онангнинг ўзи тўй қилиб беришади. Энди барибир меникисан", - деди тиржайиб. Мен эса нималар бўлаётганини англай олмасдим. Гўёки ёмон туш кўраяпману, ҳозир қўрқиб уйғониб кетадиган одамдек эсанкираб қолгандим. Афсус, минг афсуслар бўлсинки, бу воқеалар менинг тушимда эмас, ўнгимда намоён бўлаётганди. Эрталаб уйга келганимда, онам хавотир олиб, кутиб ўтирган экан. Мени кўриши билан: "Ҳайрият! Қизим, соғ-омон экансан-ку", - деди. Бўлиб ўтган воқеаларни йиғлаб-йиғлаб онамга айтдим. Ҳозир онам уришади ёки уйдан ҳайдаб юборади, деб ўйлагандим. Йўқ, янглишган эканман. Онам мени уришиш ўрнига: "Қизим, даданг билмасин, кеча сени сўраганди, дугонасиникига кетган, деб айтдим. Хафа бўлма, қизим, тўйдан олдин сени аёллар шифокорига олиб бориб, қиз болага айлантириб келаман", - дея мени тинчлантирди. Мен бунга ишонмадим. Онам эса: "Вой нодон, нега ишонмайсан? Ахир бир неча қизларни, ҳаттоки холангни ҳам тўйдан олдин ҳақиқий қиз болага айлантирган эдим. Баъзи дўхтирларга пул бўлса элликка кирган аёлни ҳам... Эркакларга яхши гапириб, кўнглини олсанг бўлгани. Шунча йигитлар билмаганини сенинг куёвинг билармиди, аҳмоқ?" - дея уришиб берди.

Тез орада тўйимиз ҳам бўлиб ўтди. Онам тўғри айтган экан. А. акам ҳеч нарсани билмади. Тўйдан кейин ниҳоятда бахтли яшадик. Ҳамма бизга ҳавас қиларди. Аммо мени виждон азоби қийнарди. Ҳар қанча қийналсам-да, бу сирни ҳеч кимга айтмасдим, айтолмасдим. Агар бу сирим очилса, оилам барбод бўлар, ота-онамнинг юзини ерга қаратиб, энг бахтсиз одамга айланиб қолишимни жуда яхши билардим. Тўйдан сўнг қайнонам-қайнотамнинг иззат-ҳурматини қилиб, меҳрини қозондим. Улар ҳам мени ўз фарзандларидек яхши кўришарди. Бир йилдан сўнг, айни тўйимиз бўлган куни биз ўғилчали бўлдик. Унга "Шаҳзоджон" деб исм қўйдик. Биздан бахтли инсоннинг ўзи йўқ эди.

Шаҳзоджон бир ёшга тўлганида унинг туғилган кунини каттагина зиёфат қилиб ўтказдик. Ўша куни қайнона-қайнотам, ота-онам ва турмуш ўртоғим гўёки ваъдалашгандек ўғлимдан аввал менга тилло тақинчоқлар тақишиб, илиқ сўзлар айтишди. "Аввало одобли келин, вафодор ёр, меҳрибон она..." Бу сўзларнинг кети кўринмасди. Айниқса, турмуш ўртоғим ўғил туққанлигим учун мени бир умр бошида олиб юришга ҳам тайёр эди. Аслида эса бу мақтовларга лойиқ эмасман, деб йиғлагим келар, юзларим ловлов ёнарди. Улар менинг бундай ҳолатга тушишимни камтарликка йўйишарди. Отам каттагина ўйинчоқ тойчоқ ва машинани ўғилчамга совға қилди. Суннат тўйида эса ҳақиқий той олиб келишларини айтди. Зиёфат охирида мендек гўзал, одобли қиз тарбиялагани учун қайнотам миннатдорчилигини билдириб, отамга тўн ёпганларида ўзимни тутолмай йиғлаб юбордим. Шундагина отам ёнимга келиб: "Қизим, қизгинам, раҳмат, минг раҳмат, юзимни ерга қаратмадинг. Битта қиз бўлсанг ҳам ўнта қиздан зиёда обрў келтирдинг. Берган тузимни, тарбиямни оқладинг. Мен сендан розиман. Бахтли бўлинглар", - дея бошимни силаганида отамни қучоқлаб йиғладим.

Зиёфат тугагач, дастурхонни йиғиштириб бўлгач, эрим мени қучоқлаб ўпиб, эркалаб: "Гулихон! Биласизми, сиз менинг кўнглимдаги маликамсиз! Мен сизга лойиқманми-йўқми, фақатгина ўзингизга аён. Бугун тўйимиз бўлганига икки йил бўлибди. Оллоҳ насиб этса, қизчалик ҳам бўлармиз. Бахтимизга кўз тегмасин. Келинг, шу қадаҳларни бахтимиз учун ичайлик", - деди ва қўлимга ароқ солинган рюмкани тутқазди.

Унинг мулойим сўзларидан таъсирланибми ёки виждон азобида қийналиб, тўлиб турганлигим учунми ароқни ичгач, йиғлаб, ўзимни эримнинг қучоғига қандай отганимни билмайман. У қандай бўлмасин, мени овутишга ҳаракат қиларди. Бир пайт бошим айланиб кетди. Нима бўлганини билмайман. Йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолибман. А. акам эрталаб туриб, мен тайёрлаган нонуштани ҳам емай ишга кетди. Кечқурун ишдан қайтгач, кечаги воқеаларни мендан сўради. Мен ҳеч нарсани эслолмадим. Маълум бўлишича, ароқни ичиб, маст бўлгач, ўша гапни айтиб берибман. Мени доимо сизлаб гапирадиган эрим: "Агар ишонмасанг, ана магнитофондаги тасмага ёзилган, эшитиб кўр. Бир эмас, икки, учта тасмага кўчириб олганман. Истасанг, олиб эшитишинг ҳам мумкин", - деди. Мен ялиниб-ёлвордим, кечирим сўрадим. Аммо энди фойдаси йўқ эди. Қайнона-қайнотам ҳам эримга қанча насиҳат қилишди, бўлмади.

Тез кунда биз ажрашдик. Эрим ақлли, инсофли бўлганлиги учун менинг айбимни ҳеч кимга айтмади. Икки ой ўтиб, қизим туғилди. Эрим эса бошқага уйланаётганди. Ота-онам, қайнона-қайнотам бизнинг яна бахтли бўлишимизни истаб қизимга "Бахтигул", деб исм қўйишди. Қайнона-қайнотам набираларини кўргани тез-тез келиб туришарди. Уларни ҳар кўрганимда бир ўлиб, бир тирилардим, юзларига тик қаролмасдим. Шунинг учун ниманидир баҳона қилиб, уларга кўринмасликка ҳаракат қилардим.

Яқинда қайнона-қайнотам келиб, эрим иккинчи хотинидан ҳам ажрашганлиги учун бизни яраштирмоқчи эканликларини айтишди. А. акам менга хат бериб юборибди. Уларнинг олдида хатни ўқишга уялиб, уйга кириб кетдим. Хатни очмоқчи бўламан-у, аммо қўлларим ўзимга бўйсунмай қалтирар, юрагим тез-тез урарди. Бошим айланиб, диванга ўтириб қолдим.

Ҳа, бу мен севган инсоннинг хати эди. Хатни бир неча бор ўқиб чиқдим. Шу пайт қўл телефоним жиринглаб қолди. "Алло, Гулнора, бу мен", - дея эрим нималарнидир гапирар, аммо мен ҳеч нарсани эшитмай йиғлардим. Қанча вақт эрим билан гаплашдик, билмадим, фақатгина онамнинг: "Қизим, Бахтигул йиғлаяптику. Нега қарамайсан?" - деган гапидан сўнг ўзимга келибман. А. акам: "Гулнора, эртага хатда ёзилган жойда учрашамиз. Чиқасиз-а, нега йиғлайсиз? Бир оғиз ширин сўзингизга зорман", - деди. "А. ака, албатта бораман", - дедим холос. Мен унинг овозини икки йил интизорлик билан кутгандим. Икки йил кеча-кундуз бир сония уни хаёлимдан чиқарганим йўқ. Оллохдан яна бахтимни қайтаришини илтижо қилиб сўрардим. Илтижоларим ижобат бўлганидан Оллоҳга шукр қилдим. Телефонимни сумкамга солиб, хатни яна қайта-қайта ўқиб чиқдим: "Азизам Гулнора! Севгимиз, муҳаббатимиз, фарзандларимиз ҳаққи-ҳурмати мени кечиринг, илтимос. Қиз болага уйланиб, икки йил турмуш қурдим. Аммо икки кун ҳам тинч яшамадим. Бошим уриш-жанжалдан чиқмади. Фарзанд ҳам кўрмадик. Сиздаги ибо, ҳаё, самимийликни унда кўрмадим. У ота-онамни иззат-ҳурмат қилмасди. Шунинг учун улар сизни ва набираларини соғиниб, уйингизга тез-тез бориб туришарди. Беайб парвардигор, гуноҳингизни кечирдим. Гулнора, сиздан илтимос, менга бир бор имкон беринг. Фарзандларимиз тирик етим бўлишмасин. Эртага илк учрашган, севгимиз гувоҳи бўлган шаршара олдидаги мажнунтолнинг ёнида учрашамиз. Хайр, соғ бўлинг..."

Эрталаб соат 8 да илк учрашувга чиққанда кийган оқ кофта ва юбкамни кийиб, биз учун ниҳоятда қадрли бўлган мажнунтол томон жўнадим. Эрим тез-тез соатига қараб безовта бўлаётганини кўриб, бир зум дарахтга суяниб йиғлаб юбордим. Турмуш ўртоғим мени кўриб югуриб келди-да, қучоқлаб олди.

- Мен сизни кечирдим, сиз ҳам мени кечиринг. Илтимос,-дея кечирим сўради. Мажнунтолнинг тагида гаплашиб ўтириб кеч бўлиб қолганини ҳам билмабмиз. Эрим уйга кетиш олдидан шаҳар айланиб, болаларимга совға-салом ва ширинликлар олиб берди.

Эртаси куни қайнона-қайнотам, турмуш ўртоғим бизни уйимизга олиб кетгани келишди. Болаларим ҳам олдидан кетолмасди. Айниқса, 3 ёшли ўғлим: "Ада, адажон! Биз билан бирга яшайсизми? Бизни олиб кетасизми?" - дея тинмай сўрарди. Шунда эрим: "Мен сизларни албатта олиб кетаман! Энди биз бирга яшаймиз",- дея уни эркаларди. Йиғлай-йиғлай юрагим санчадиган бўлиб қолганди. Ўша куни уйга кетмадим, аниқроғи кетолмадим. Кейинроқ бормоқчилигимни айтдим.

Ҳозир шифохонада даволанаяпман. Ота-онам, қайнона-қайнотам ҳар куни хабар олиб туришибди. Эрим кунига 2-3 марта келади. Кеча фарзандларимни уйимизга олиб кетибди. Фарзандларимга ота меҳри кераклигини юрак-юракдан ҳис этаман. Кеча синфдошим Н. келиб, бўлиб ўтган барча воқеалар учун мендан кечирим сўради. Хотини билан яхши яшамаганлиги ва бефарзандлиги учун оиласидан ажрашибди. Қилмишига яраша Яратгандан жазосини олибди. Агар рози бўлсам, менга уйланиб, болаларимга оталик қилмоқчи эмиш. Сутдан оғзи куйган қатиқни ҳам пуфлаб ичаркан. Эрим билан ярашай десам, унинг юзига қараш ўлимдан ҳам оғирроқ. Турмуш ўртоғим билан ярашайми ёки синфдошимга турмушга чиқайми? Ёхуд қолган умримни икки боламга бағишлаб, ёлғиз яшайми? Қандай йўл тутсам тўғри иш қилган бўламан? Менга маслаҳат беринг, азизлар!

ГУЛНОРАнинг дардини София НАЗАРОВА оққа кўчирди.

ҚАБРИНГИЗ НУРГА ТЎЛСИН...

Моможоним, сиз биз учун дунёдаги энг азиз инсон эдингиз. Сизнинг меҳрингиз қуёши остида биз набиралар унибўсдик. Сиз уйимизнинг фариштаси эдингиз. Моможоним, сиз тўқсон ёшингизда бу дунёни тарк этдингиз-у, қалбимиз ғамга ботди. Сиз йигирма тўққиз ёшингизда бева қолгандингиз. Иккита фарзандингизни оқ ювиб, оқ тарадингиз. Шу билан бирга қанча етимларнинг бошини силадингиз, бошқа турмушга чиқмадингиз. Сиз бизга Сталин даврида отангиз қулоқ қилинганини, очарчилик даврида қийналганлигингизни гапириб, нонни эъзозлашни ўргатардингиз. Уруш кинояларини кўрганда, урушда йўқ бўлиб кетган укангизни эслаб, йиғлардинлини яхши кўрардингиз. Чиройли гуллар ўстирардингиз. Насиб этса, сиздаги ажойиб фазилатларни биз набиралар давом эттирамиз.

Моможон, сиз айни баҳор фаслида бизни абадий ташлаб кетдингиз. Сизни бутун қишлоқ аҳли сўнгги йўлга кузатди. Сизнинг ёшингизга етишишни Оллоҳдан сўрадилар. Қабрингизнинг усти гулларга тўлди.

Меҳрибоним, сиз бу дунёни тарк этган бўлсангиз ҳам, сизни ҳеч қачон унутмаймиз.

Гулшода БОБОЕВА,
Қашқадарё вилояти,
Қамаши тумани,
Қорасув маҳалласи.

АКАЖОНИМ ЁДИ МАНГУДИР



Акажоним Очил Бобомуродов

1982 йилда Очил Бобомуродов қишлоғимиздаги (Хатирчи тумани А. Пўлатов номли жамоа хўжалиги) 14-ўрта мактабга директор этиб тайинланди. Мактабда ўқув тарбия ишлари сезиларли даражада ўзгарди. Моддий техник база мустаҳкамланди. Олий ўқув юртига кирувчи ёшлар, фанлар бўйича ўтказилган Олимпиада ғолиблари кўпайди. Директорнинг, жамоанинг саъйи ҳаракатлари туфайли 2004-2005 ўқув йилида мактаб Япониянинг эллик минг АҚШ доллари миқдоридаги грантини ютиб олди. Очил Бобомуродов «Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги» нишони билан мукофатланди.

Акам ҳамиша орзулар билан яшади. Ўқувчиларига ҳақиқий билим бериш билан бирга, уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, одобли, ахлоқли ўринбосарлар тайёрлаш учун интилардилар. Ўзининг физика фанини чуқур билгани каби, фалсафани, адабиётни, шеъриятни, мусиқани яхши тушунардилар. Кўп китоб ўқирдилар. Ҳеч қачон бировнинг айбини юзига солмас, кечиримли, камтарин, ҳалол инсон эдилар.

1947 йил 15 мартда туғилгандилар. 2005 йил, туғилган кунларидан икки ҳафта ўтиб, навқирон 57 ёшларида...

Ўша куни дарахтлар гул кўрсатиб, майсалар бўй кўрсатиб қолганди. Бироқ бирдан қор ёға бошлади. Аччиқ изғирин эсди. Бу аччиқ ҳаво қалбларимиз қадар бостириб кирди. Маслаҳатгўйим, меҳрибоним, суянчим, отам ва катта акамнинг ўрнига қолган таянчимдан бир зумда айрилиб, довдираб қолдим.

Ўттиз етти йил синф хоналарида ўқувчиларни эзгулик томон бошлаш, шундан йигирма уч йил битта мактабда директорлик қилишнинг ўзи бўладими! Бу йиллар замирида бир инсон умрининг қадри, моҳияти бор. Ўзбекистоннинг турли жойларида меҳнат қилаётган, омадга эришаётган ўқувчиларининг қалбида, шуурида Очил Бобомуродовнинг азиз номи бор. Ўғиллари Шавкатжон, Олимжон, Алишер, қизлари Дилафрўз, Муножот, Маҳбуба ва набиралари тимсолида умрининг давоми бор.

Хосият БОБОМУРОДОВА

ЖОН ҚЎШНИЛАРИМ ЭДИНГИЗ...

Ҳар доим шу дарвоза олдидан ўтарканман, бу хонадон бекаларини ҳурмат билан ёдга оламан, кўзимдан ёш юмалайди. Қалбимиз сингари деворларимиз ҳам бир-бирига туташ қўшни эдик. Қўшни эмас, менга у киши худди онамдек, опамдек меҳрибон эдилар. Рўзғоримизда борини бирга баҳам кўрар, йўғида қаноат қилардик. Меҳмонимизни ҳам бирга кузатар, яхши-ёмон кунларимизда суянчиқ, беморлик вақтларимизда бедор эдик. Ҳамсоя товоқ қилиб ҳар куни таомимиздан йўқлардик. Бир кун кўринмай қолсам, нариги томонда нарвондан туриб чақирар, ҳол-аҳволимни билгач: "Ҳайрият, тинч экансизлар", - деб кўярдилар. Рўзғордан нолиган кунларим: "Ахир рўзғор ғор, тўрт мушт шу ғорни енгса, рўзғор кенгаяди", - деб насиҳат қилардилар. Қўшни бўлиб болаларимизни ўртасига тушмадик, уриш тугул араз ҳам қилмадик. Нимагаки биз опа-сингил, дугона, ён қўшни, жон қўшни эдик-да. Булар ким дерсиз? Ҳа, бириси Ойдиной дугонам хушчақчақ, қувноқ, очиққўнгил аёл эди, оғир хасталикка учради. Бу тузалмас дард уни орамиздан эрта олиб кетди. Опамиз Эргашева Рисолатпошша Қарши шаҳар Мирзо Улуғбек номли умумтаълим мактабида она тили ва адабиётдан дарс берар, шеър ва ҳикоялар ёзар, илк мухлислари мен эдим. Шеърларни, матнларни бирам чиройли қилиб ўқирдиларки, эшитган киши яна эшитсам дерди. 17 баҳорни қаршилаб улгурмаган ўғиллари Миралихон автоҳалокатга учради, марҳумлар қаторига бемаврид қўшилди. Опамиз дардини ичига солди, она фарзанд доғига дош беролмади. Бу ёруғ оламдан кўз юмдилар. Болаларини яхши тарбия қилган, ҳаммаси олий маълумотли, катта қизлари олий тоифали шифокор, бири муҳандис, кичик қизлари Ўроқова Назира она изидан борди, шу мактабда дарс беради. Онасининг оқ қоғозда қолиб кетган сатрларини давом эттирди. Бир неча шеърий тўпламлари нашрдан чиқди. Ҳозирда у мактаб директорлиги вазифасида хизмат қилади. Бирор инсон мендан бахтли дамларингизни эслайсизми деса, албатта талабалик йилларим, ундан-да, бахтли кунларим шу икки қўшниларим билан ўтказган кунларим эди, дейману, лекин уларни тополмайман. Қанийди вақт ортга қайтса-ю, бир пиёла чой устида яна қўшниларим билан суҳбатлашсам, дийдорларига тўйсам. Ҳар доим уларни соғиниб, қўмсаб яшайман.

Умматхон РАҲИМОВА,
Қарши шаҳри.

ЧОРБОҒИМ ЭНАМ...

(Бадиа)

Ўн битта болани тупроққа қўйиб,
Ерларни тўйдириб,
қизартган Бардош.
Тош-тақир дунёда шунча
кўп ғамни
Ютиб яшаган энам.
Шаҳарларда сарсон кезган
нодонни,
Мени кутиб яшаган энам.

Бир ақлим кириб, талабаликнинг биринчи стипендиясидан сизга янги пайпоқ олиб бордим. Уни ушлаб туриб қолдингиз.

- Ҳозир кийиб олинг, сиз жа-а хайр-саҳоватни кўп қиласиз-да!

- Майли, болам, фақат сен аввал шуни бир-икки кийиб бер-да...

- Нима, кичкинами?

- Йўғ-а, болам, мен отанг ўлгандан сўнг янги кийим кийишга уялардим. Яна одамлар: "Фалончи эри ўлиб, янги кийимлар кийиб олибди", демасин, шу ёмонгина болаларимнинг боши ерга қарамасин дедим-да. Шу-шу ҳалиям одат бўлиб қолган.

...Отам қазо қилганига эса ўттиз тўрт йил бўлибди. Ўттиз тўрт йил-а?! Гулбеорлар гулламаган покиза бўстоним энам!..

Қишлоқнинг тенг ярмига
доя бўлган,
Дардларига малҳам, ҳимоя
бўлган,
Ташна юракларга сув, соя
бўлган,
Катта бир элга суянч -
қоя бўлган,
Бахши момом, шоирим-
достоним энам!..

Саксон саккиз йил юраги доғу, орияти тоғ бўлиб яшаган, Арчали тоғим энам!.. Онам сенга ўхшарди Дарё!

Шамол учириб келган кичкина бир уруғниям авайлаб оларди, экамиз-да, дерди. Бурноғи йилги бодом, ёнғоқларнинг ҳаммаси амал олди. "Атлас" олмалар ҳам ҳосилга кириб, мана учи қуйруғи йўқ бўлди-қолди.

Бориб, кўриб келмайсанми?...

Тонг аро бу "учи-қуйруғи йўқ" боғ аро юраман. Ҳар япроқ, ҳар гул кўзида ёш кўраман.

Боғлар ғамгин шовуллайди. Қўриқчи тераклар аламдан титраб, тинмай чапак чалади. Сиз бир-ла энди катта бир Давр ҳам ўтганини айтиб йиғлайди. Йиғлаётир мева тўла боғим энам!..

Бир хушбўй гуллаган жийдазор, бодомзор, олмазорлар оралаб, марзага етаман.

Пастда - барглари орасида ҳали яшил олмаларни оғушлаб турган олмазорга тикилиб, ич-ичимдан чексиз фахр, ҳам поёнсиз бир фарёд туяман:

Сиз бундан-да беҳиштий боғларни билармидингиз, нега Кўҳиқоф ёқларга кетиб қолдингиз, чорбоғим энам!..

Саъдина БОБОМУРОДОВА,
Жиззах вилоят маънавият ва маърифат маркази бош мутахассиси.

ЮЗИДАН НУР ЁҒИЛАРДИ

Субҳидам, ширин хотиралар мени ўз исканжасига олади. Кўз ўнгимда устозимнинг гулгун юзидан ёғилиб турадиган нур. Хонага кириди-ю, ўқувчилар билан саломлашади. Ҳар бир болага меҳр ила боқиб ширин сўзлари билан улар кўнглига қўл солади.

У меҳрибон, ҳеч кимга ўхшамаган жонкуяр муаллим Мавлуда Хасанова эди.

У аёл ўн саккиз йил мактабимизда устозлик қилиб, ёшларга таълим-тарбия бериб, ҳаёт йўлларида эркин парвоз қилишга бамисли қанот бўлди.

Бугун у нафақат фарзандлари, балки шогирдлари қалбида ҳам барҳаётдир.

Нафиса СУЛТОН,
Қарши шаҳри.

ДОИМ ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

Қайнотам Афандиев Бурхон Булунғур туманининг Олмазор қишлоғида туғилган. Ўн ёшида онаси касалликдан вафот этган. Ўн икки ёшида, ўша мудҳиш 1938 йилда отасидан ажраган. Шундан сўнг тоғасининг қўлида катта бўлди.

Бутун умр чўпонлик қилиб, ҳалол меҳнат билан ўн бир нафар фарзандларининг ҳаммасини ҳунарли қилди. Бири шифокор, бири ўқитувчи, бири журналист, бири ДАН, яна бири банк ходими, хуллас ҳамширадан тортиб фермергача бор оиламизда. Оилада ҳаммамиз жамулжам бўлсак, тўй бўлиб кетади. Етти овсиндан тўрттаси ўқитувчилармиз. Мен ҳамиша отамнинг меҳнатсеварлиги, болаларига меҳрибонлиги, фарзандлари ўртасида меҳр-оқибатлилик ришталарини шундай бир узилмас қилиб боғлаб кетганлигига ҳавасим келади. Албатта фарзандларимиз ҳам булардан ибрат олади, деган умиддаман.

Мана, отамдан ажраганимизга уч йил бўлди. Бу табаррук зот 86 ёшида жума куни, аср намозини ўқиб бўлиб, бу дунёдан кўз юмдилар.

Отажон, илоё ётган жойларингиз жаннатдан бўлсин. Баҳорда ҳовлидаги сиз экиб кетган олма, ўрик, бодом дарахтлари гулларидан ўткир нафасингиз уфуриб туради. Сиз доим бизнинг қалбимиздасиз.

Гулнора МАЖИДОВА,
Жиззах вилояти, Зарбдор тумани 1-ўрта мактаб ўқитувчиси.

УЙИНГИЗ ҲАМ ДАВОЛАЙДИ...

Меҳмонга борганимизда беихтиёр у ёқ, бу ёққа аланглаб хоналарнинг шинамлиги, озодалиги ва жиҳозларнинг қандай жойлаштирилганига эътибор қилишимиз сир эмас.

Баъзан унча катта бўлмаган уйлардаги оралик ва дид билан жойлаштирилган буюмларга ҳавасимиз келади. Бундай хонадонларга тез-тез меҳмонга боргингиз, у ерда бор вужудингиз билан дилдан ҳордиқ чиқаргингиз келаверади.

Бироқ ўз уйимизга келганда эса... Буюмларни қаерга ва қандай жойлаштиришни ўйлаб бошимиз қотади.

ХОНАДОНИНГИЗ ОРАСТАМИ?

Файзли ва озода хонадон соҳибларининг саломатлиги мустаҳкам бўлади. Чунки инсон танаси учун ҳам соғломлаштирадиган, ҳам яхши кайфият бера оладиган муҳит керак экан. Умримизнинг энг кўп қисми ўтадиган уй ва хоналаримизнинг дид билан жиҳозланиши эса жуда муҳимдир.

✱ Уйга кириладиган эшикларга алоҳида эътибор қаратинг. Эшиклар имкони борича табиий ёғочдан ишланган бўлгани маъқул.

✱ Уй эшигининг рўпарасига кўзгу осиб бўлмайди.

✱ Кираверишдаги йўлакда кўзгу бўлишини ёқтирсангиз, ён деворга ёки эшикнинг ўзига ўрнатишингиз мумкин. Лекин уларни ҳеч қачон бир-бирига қарама-қарши жойга ўрнатманг. Шунингдек, йўлакда ортиқча майда-чуйда буюмлар турмаслиги керак. Уларнинг ҳаммасини шкаф ва тумбаларга жойлаштириб қўйилса ивирсиб кетмайди. Йўлак жуда ёруғ бўлиб, деворларига манзарали суратлар осиб қўйилса янада шинам кўринади.

✱ Меҳмонхона кенг ва ёруғ бўлгани маъқул. Чиройли қандил ва тувакларда ўстирилган гуллар эса хонани файзли қилиб кўрсатади. Бу ерга мебелларни қалаштириб ташлаш эса дидсизликдан дарак беради. Шунингдек, бундай хоналарни йиғиштириб тозалаш ҳам қийин бўлади.

✱ Ётоқхонадаги ҳар бир жиҳоз албатта дам олишга мўлжалланган бўлиши керак. Шу боис ётоқхона деворлари нафис ва майин рангларда бўлса, дарпардалар ҳам шунга мос қилиб танланади. Каравотнинг бош томони деворга тақалган бўлиб, ухлаётган одамнинг оёғи зинҳор эшик томонга қаратилмаслиги керак. Бош томондаги девор ва шифтга кўзгу ўрнатиш, ётоқхонага телевизорни қўйиш мумкин эмас.

ОШХОНАНГИЗ...

Ошхоналар ҳар доим фаровонлик ва тўкин-сочинлик манбаи ҳисобланган. Ҳамма хонадон аъзолари интиладиган бу жой жуда ҳам ёруғ, шунингдек шинам бўлиши керак. Унинг эшиги маҳкам ёпиладиган бўлиб, шамоллатиш ускуналари билан таъминланган бўлиши зарур. Ошхона деворига чиройли суратлар ва бир боғлам саримсоқпиёз ёки пиёз осиб қўйилса ўзига хос файз бағишлаб туради. Газ плитаси билан идиштовоқ ювиладиган раковиналар ёнма-ён жойлашган бўлса таом пишираётганда қулай бўлади. Ўткир қиррали ва ойнадан ясалган ошхона столларидан воз кечган маъқул. Мабодо бошқасига алмаштиришнинг иложи бўлмаса, уларнинг устига қалин дастурхон ёпилади. Стулларнинг эса албатта суянчиқлиси танланади.

Ҳожатхона ва ювиниш хоналари ҳамиша холи жойларда бўлгани учун деворлари оддий рангларда бўялади. Бу жойларнинг эшиклари ҳар доим ёпиқ туриши керак. Эшикларининг ички томонига эса кўзгу осиб қўйиш мумкин.

Шунингдек, бу хоналардаги қувурлардан сув томчилаб турмаслиги учун жумраклари яхшилаб таъмирланган бўлиши керак.

УЙ ЖОНИВОРЛАРИ БЎЛСА...

Уй ҳайвонлари ҳар бир хонадонга ўзига хос хотиржамлик бағишлайди. Агар уйда боқилаётган кучук ва мушуклар соғлом бўлса, нафақат уй эгалари балки, меҳмонлардаги биологик қувватни ҳам мувозанатлаштириб турар экан. Яъни, мушук сиздаги салбий қувватни ўзига тортиб олса, кучук ижобий қувват билан таъминлайди. Агар қорнингиз билан бошингиз оғриб, уйқусизликдан қийналаётган ва зўриқиш ҳолатида (стресс) бўлсангиз мушукни силаб, қўлингизда олиб ўтирсангиз, кайфиятингиз яхшиланиб, салбий ҳолатларингиз ўтиб кетади.

Мабодо, ҳаддан ташқари толиқиб, кўчдан кетган бўлсангиз сизга кучугингиз ёрдам беради. Уй ҳайвонлари билан бўлган ҳар қандай мулоқот сизга хурсандчилик, бахт ва хотиржамлик олиб келади.

Кўпчилик: "Уй бўлса бўлди-да, уни амал-тақал қилиб жиҳозлаб олиш ҳеч гап эмас!" - деб ўйлашади. Тўғри, ҳар ким билганича бу ишни бажаради, аммо уй жиҳозлаш шунчаки иш эмас.

Ваҳоланки, кенг ва катта хоналарда ҳам ҳамма нарсанинг жой-жойида турмаслиги оқибатида файз бўлмайди. Баъзилар зарур нарсаларини топа олмаслигидан, мебелларга туртиниб-суртиниб ўтишдан асабийлашадилар.

Сиз ҳар куни ишдан сўнг оила аъзоларингиз билан яйраб ўтирадиган хонадонингиз чиннидек ораста ва ўта нозик дид билан жиҳозланиши зарур.

Уйингизни севишингиз ва қаерда бўлманг, уйга соғиниб, қувонч билан кириб келишингиз керак.

Ўзингиз ва уй Рўзғорингиз учун ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

●Тувакларга экилган дасторгул (герань) хоналарни шинам қилиб туриши билан бирга ҳавони ҳам тозалайди. Шунингдек, асабийлашган пайтда гуллаб ётган дасторгулларни бироз томоша қилиб турилса асабларни тинчлантиради. Бу ажойиб гулларнинг яна бир фойдали хусусияти шуки, иссиқ ёз кунларида очиб қўйилган дераза токчасига қўйилса, уйга пашша ва чивинлар учиб кирмайди. Бунинг учун гулларнинг баргларига бироз сув пуркаб қўйилса кифоя.

* * *

● Уйга тўшалган линолеум ва полларни ҳеч қачон иссиқ сув ва кир ювиш кукунлари билан ювмаслик керак. Уларни совун кўпиртирилган илиқ сув билан ювилса бўёғи ўчмайди.

* * *

● Агар ошхонадаги пичоқларингиз ўтмаслашиб қолган бўлса, уларни чархлашдан олдин ярим соат тузли сувга ботириб қўйинг. Шўндан сўнг уларни чархлаш осон бўлади.

* * *

● Полга тўкилган сиёҳни кетказиш қийин. Лекин бу доғларни новшадил спирти қўшилган сувга латта ботириб артилса, тезда кетади.

* * *

● Уйингизда пашшалар кўпайиб кетган бўлса бироз исириқ тутатиб юборинг. Шунда пашшалар бирпасда йўқ бўлиб қолишади. Чунки улар исириқнинг хушбўй ҳидини ёқтиришмайди.

ДОҒНИ КЕТКАЗИШ УСУЛИ

● Локланган мебеллардаги иссиқ нарсалардан қолган доғни кетказиш мумкин. Бунинг учун доғни шам бўлаги билан артилади. Сўнг устига бир неча марта букланган қоғозни қўйиб қайноқ дазмол бироз босиб турилади.

Агар доғ кетмаса, яна бир марта қайтариш керак бўлади.

* * *

ШЎРВАНГИЗ ХУШХЎР БЎЛСИН

● Агар сиз сабзавотлари эзилмаган, мазали шўрва пиширмоқчи бўлсангиз, гўштни совуқ сувда қайнатинг. Қайнаганда чиққан кўпикларини йиғиб олиб, гўшт пишгунча бир соат паст оловда қайнатинг. Сўнг яна бир марта кўпигини йиғиб олгач, пиёз, сабзи ва картошкаларни солиб пиширинг.

ТУЗ СОЛИШНИ БИЛАСИЗМИ?

● Пишираётган ҳар бир таомингизга тузни меъёрида солинг. Агар тузни кам ёки кўп солиб юборадиган одатингиз бор бўлса, бир литр шўрвага бир ош қоршиқ туз солинг. Ана шу меъёрга амал қилсангиз, таомингиз мазали бўлади. Уни шўр ёки тузсиз пиширсангиз таъми бузилади.

УЗОҚ ХИЗМАТ ҚИЛСИН ДЕСАНГИЗ...

● Ванна сизга узоқ вақт хизмат қилиши учун мана бу қоидага амал қилинг. Яъни, бирданига совуқ сувни ёки қайноқ сувни очиб юборманг. Ванна деворлари чиниқиши учун аввал илиқ, сўнг қайноқ сувни очиш керак. Кескин ўзгарган иссиқ ва совуқ ҳароратдан ванна дарз кетиши ёки ювиб бўлмайдиган сариқ қуйқа босиб қолиши мумкин.

* * *

● Ошхона ва ванна деворларига ёпиштирилган сопол плиталарни пастдан юқорига ва юқоридан пастга сув сепиб ювсангиз кўчиб кетмайди.

* * *

● Қулфда қийинчилик билан айланадиган калитга шам ёки совун сурилса, осон айланади.

* * *

● Эшик ғичирламаслиги учун илгагини кўтариб, орасига қалам бўлагини тиқиш ёки вазелин суриш керак.

* * *

● Янги ўрнатилган қулф тешигидан қалам кукуни сепиб юборилса, узоқ вақтгача бузилмайди.

* * *

● Локланган мебелларни жун ёки суньий мато билан артиш керак. Бу матолар мебелга тегиб электрланган учун ҳамма чангларни ўзига тортиб олади.

* * *

● Бодрингларни банди билан совли идишга териб музлаткичга қўйсангиз, бир неча ҳафта худди янги узилгандек туради.

* * *

● Газ плиталарнинг конфоркалари янгидек кўриниб ярақлаб туришини истасангиз аввал уларни сал иситинг. Сўнг бирорта ўсимлик ёғи билан артинг.

* * *

БИЛМАСАНГИЗ, БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

● Қорайиб кетган дазмолни тозалашни биласизми? Оддий тиш пастасини латтага суриб дазмолнинг куйиб, қорайган остини яхшилаб артсангиз тоза бўлади, қолади.

* * *

● Трикотаж матоларидан тикилган жемпер, кўйлаклар ювилганда хира тортади. Гулларнинг ранги ўз ҳолига келиши учун эса ювиб бўлгач, чайиладиган сувига глицерин (бир литр сувга бир ош қошиқ) қўшиб юборинг.

ЭСКИСИНИ ТАШЛАБ ЮБОРМАНГ!

● Уйингизни таъмирлаганда янги ванна ўрнатган бўлсангиз, эскисини ташлаб юборманг. Уни боғ ёки дала ҳовлига ўрнатиб мўъжазгина бассейн қилишингиз мумкин. Бунинг учун ерни кавлаб ваннани ўрнатасиз. Четларини цемент билан суваб, остига тоза қум тўксангиз бас. Атрофига гуллар ёки чиройли ўсимликлар экиб қўйсангиз боғингиз янада шинам ва файзли бўлади..

* * *

● Вақт ўтиши билан қошиқ, вилка ва бошқа буюмлар хира тортиб қорайиб кетади. Улар саримсоқпиёз пўсти солинган сувда қайнатилса яна ярақлайди.

ҚУЙҚАНИ ОСОН КЕТКАЗИШ

● Ҳар куни чой қайнатиладиган човгум ва қайнатгичдаги қуйқаларни тез ва осонгина кетказиш мумкин. Човгумдаги сувга 2 ош қошиқ ичимлик содаси солиб қайнатинг. Шундан сўнг сирка (2 литр сувга бир ош қошиқ) қўшиб яна бир марта қайнатилгач, юмшоқ қоғоз билан артиб олинади. Ёзда эса олма пўсти билан ҳам қуйқани тозаласа бўлади. Олма пўчоғини човгумга солиб қайнатиб олгач қуйқаси сочиқ билан яхшилаб артилади.

* * *

● Матодан тикилган ушлагичларнинг (прихватка) ичига кичкина магнит бўлаги тикиб қўйилса... Газ плитаси, сув қувурига шундоққина ёпиштириб қўйиш мумкин. Бу эса уларни зарур бўлганда олиш учун жуда қулайдир.

* * *

● Капрон тўрларни ювгандан сўнг сувини оқизгач, яна жойига илиб қўйилса, дазмоллашга ҳожат қолмайди.

* * *

● Янги супургини ишлатишдан олдин 2-3 соат тузли сувга солиб қўйилса, тез титилиб кетмайди.

* * *

● Туз ўзига намлик тортгани учун баъзан қумоқ-қумоқ бўлиб қотиб қолади. Шундай бўлмаслиги учун тузга озгина картошка уни (крахмал) қўшиб юборилса майинлигини сақлайди.

* * *

● Ёстиқ ва кўрпа жилдлари ювилаётганда ичига ҳаво йиғилиб шишади. Бу эса уларни ювиш ва қуришини қийинлаштиради. Ҳар бир жилднинг бурчакларидан кичкина тешик очилиб атрофини кашта қилиб тикиб қўйилса, ювиш осон бўлади ва тез қурийди.

* * *

● Ёғоч кули ўзига ҳидни яхши тортиб олади. Шунинг учун музлаткичга битта ликобчада кул қўйилса, нохуш ҳид йўқолади.

БАСИРА тайёрлади.

Сут тишлар нега шундай аталишини биласизми? Қадимги дунёнинг машҳур табиби Гиппократ уларни шундай атаган экан. Чунки у бу тишлар она сутидан пайдо бўлади, деб ҳисоблаган. Қолаверса, Гиппократ мана шу майда, кучсиз, инсон ҳаётининг дастлабки бир неча йили давомида хизмат қиладиган "вақтинчалик" тишларга катта аҳамият берган. Замонавий тиббиёт фани кўҳна дунё табибининг ҳақлигини исботламоқда. Сут тишларнинг қандай ўсиши ва сақланиши улар ўрнига чиқадиган ҳақиқий ва доимий тишларнинг қандай бўлишини белгилаб берар экан.

СУТ ТИШДАН ҲАҚИҚИЙСИГАЧА

МАРЖОНДЕК ҚАТОР-ҚАТОР

Чақалоқ дунёга келганда унинг милклари сип-силлиқ бўлади. Аммо тез орада ўсиб чиқадиган сут тишларнинг илдизи у ҳали туғилмасиданоқ шакллана бошлайди. Дастлабки тиш эса одатда чақалоқ 6-7 ойлик бўлганда чиқади. Айрим ота-оналар мана шу пайтга келиб фарзандларининг сут тишлари чиқмаса, ташвишга тушиб қолишади. Ваҳоланки, ташвишланишга умуман асос ҳам, ҳожат ҳам йўқ. Бу ҳол одатда наслга боғлиқ бўлади. Яъни ота-онасининг сут тишлари одатдагидан кечроқ чиққан болаларда ҳам шу ҳол такрорланади. Аксинча, ота-онасининг сут тишлари эртароқ чиққан чақалоқлар ҳам тенгдошларидан сал олдинроқ тишлик бўлишади.

Тез орада боланинг оғзида дастлабки тишчалар пайдо бўлишининг бир неча аломатлари:

❋ Сўлакнинг одатдагидан кўра анча кўп миқдорда ажралиб чиқа бошлаши. Бу ҳол милклардаги асаб толаларининг қичиши натижасида тиш чиқишидан тахминан икки ойлар олдин бошланади.

❋ Бола бармоғини сўришни ёки ўйинчоғини оғзига солишни одат қилиб олади. Милкларнинг қичиши уни шунга мажбур этади.

❋ Бола инжиқ бўлиб қолади. Ярим яшар боланинг характери оғирлашиб, уйқуси бузилади, иштаҳаси йўқолади.

ТАБИИЙ, ЛЕКИН ОҒРИҚЛИ

Сут тишлари чиқиши табиий физиологик жараён бўлса-да, айрим болаларда у оғриқли кечади. Замонавий тиббиёт бундай пайтда оғриқ қолдирувчи, милклар яллиғланишининг олдини олувчи махсус суртма дорилар (геллар)ни тавсия этади. Жаранён бола учун жуда ҳам оғриқли кечса, гомеопатик шам (свечи) - вибурколдан фойдаланиш керак. Мабодо, чақалоқ умуман ухламай тинимсиз йиғлаб чиқаётган бўлса, таркибида парацетамол бўлган оғриқ қолдирувчи шам ёрдам бериши мумкин.

Ота-оналар мактаби

Халқ табобатида эса сут тишлари чиқишидаги оғриқни қолдириш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

❋ Боланинг милкларига асал суртинг (асал кучли аллерген ҳамда чақалоқ учун хавфсиз эмаслиги боис, ундан озгина олиш керак).

❋ Болага оқ нонинг четини(қаттиқ жойини), қаттиқ печеньени ғажишга беринг.

❋ Бир чой қошиқ истеъмол содасини бир стакан сувда эритиб, пахта толали матони бармоққа ўраб мана шу эритмада намлаб, боланинг милклари ва бутун оғиз бўшлиғини артиш керак.

ОНА СУТИНИНГ ФОЙДАСИ

Тишлар ва умуман танадаги суяклар қурилишига, уларнинг мустаҳкам бўлишига сут таркибида кўп бўладиган кальций жуда зарур, деганида Гиппократ ҳақ эди. Аммо сигир(бошқа жониворлар) сути таркибидаги кальций бола организми томонидан деярли сингдирилмайди. Тўғри, она сутида минерал моддалар сигир сутидагидан анча кам, аммо у таркибий жиҳатдан жуда ажойиб меъёрлаштирилган бўлиб, чақалоқ томонидан яхши хазм қилинади. Шу боис она сутига тўйган болани тишларига қараб ҳам сунъий озуқа еб катта бўлган тенгдошларидан фарқлаб олиш қийин эмас. Чунки одатда 6 ёшларга бориб ўсиб чиқадиган доимий тишлар чақалоқ туғилганидан бир неча ой ўтиб шакллана бошлайди. Хуллас шуки, болага боғланинг соғлом бўлишини(жумладан, тишлари ҳам) истаган оналар уларни камида икки ёшгача эмизишларини маслаҳат берган бўлардик.

ЭНДИ ТИШЛАРИМ БОР!

Дастлабки сут тишлари чиқиши билан чақалоқ ҳаётида янги давр бошланади. Шу пайтгача у фақат эмишни, сўришни билган бўлса, энди эса нарсаларни ғажиб чайнашга, тишлашга интилади. Илгари суюқ ва юмшоқ овқатлар берилган бўлса, энди қаттиқроқ нарсаларни ҳам бериш мумкин. Аммо бунда уни яхшилаб, узоқ чайнашга ўргатиб бориш керак. "Овқатни шошилмасдан майда чайнаб есанг, умринг узоқ бўлади", деган гаплар бекорга пайдо бўлмаган. Қолаверса, бола яхши чайнашни тезда ўрганиб олса, келажакда сўрғич айбдор. Шу сабаб, сиз ҳали сут тишлари чиқмасдан туриб чақалоғингизга сўрғич берган бўлсангиз, тиш чиқиши арафасида қандай бўлмасин ундан воз кечишнинг йўлини қилишингиз шарт.

СЎРҒИЧНИ ТЎҒРИ ТАНЛАНГ

Сунъий озуқа бериб катта қилинаётган болаларга шиша идишдан сут ичиши учун сўрғични тўғри танлай билиш ҳам жуда муҳим. Бундай болаларда пастки жағнинг ривожланиши ортда қолади, тишлар эса бир-бирига тиқилиб, бирбирининг устига чиқиб ўсади. Шу боис сўрғичнинг шаклига эътибор қаратиш зарур бўлади. Жумладан:

❋ пастки жағлари яхши ривожланмаган болалар учун томизғич шаклидаги сўрғич мос келади.

❋ пастки жағлари меъёрида ривожланаётган болалар учун эса шакли олчага ўхшаган сўрғич олиш керак.

Ҳар бир ота-она болаларининг соғлиғи ҳақида қайғуради. Ҳар бир ота-она фарзандининг ақлли, ҳаракатчан, бақувват бўлиб ўсишини истайди. Ана шундай ота-оналарга ёрдам бериш мақсадида "Оила ва жамият" газетаси "Ота-оналар мактаби" рукнини очди. Унда болаларнинг ўсиши, ривожланиши, уларни парваришлаш, тарбиялаш, ўқитиш, ҳаётга тайёрлаш каби масалалар ҳақида сўз боради.

БИР САВОЛГА БИР ЖАВОБ

- 12 яшар ўғлимиз на чойни, на шарбату компотни тан олади; фақат минерал сув ичади. Бу соғлиғига зарар қилмасмикан?

Азиза ҚУРБОНОВА, Тошкент шаҳри.

- Мутахассислар минерал сувни муттасил ичишни тавсия этишмайди. Чунки унинг таркибидаги минерал тузлар хоҳлайсизми-йўқми, организмда "қўним" топади. Моддалар алмашинуви яхши бўлган болаларда бу тузлар тезда организмдан чиқариб юборилади. Мабодо, буйракдаги турли тузларни керакли-кераксизга ажратиб, танадан чиқариб юборилишини таъминлайдиган махсус каналчалар яхши ишламаётган бўлса, буйракда туз йиғилиши тайин. Шу боис хатто фарзандингиз соғлом бўлган тақдирда ҳам уни минерал сув билан бир қаторда бошқа суюқликлар ҳам ичишга ўргатинг.

- 6 яшар неварамнинг онги, нарсаларни уқиб олиши яхши, спорт билан ҳам шуғулланади. Аммо уйқусида тишини ғижирлатади. Қайси соҳа шифокорига мурожаат этсак бўлади?

Давлат ТУРДИБЕКОВ, Самарқанд вилояти.

- Асаб тизимининг зўриқиши ва тишларни ғижирлатиш(тиббиётда бу ҳол "бруксизм" деб аталади)га олиб келадиган асосий сабаблардан бири лентасимон гижжалардир. Лекин уларни боланинг ахлатидан изласангиз, адашасиз. Чунки гижжаларни ахлатдан топиш жуда мушкул. Энг яхшиси қон таркибини текшириб гижжага қарши антижисмлар(организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган моддалар) борйўқлигини аниқлаш керак. Агар танада гижжалар бўлса, асаб тизими уларга қарши кураша бошлайди.

Бундан ташқари тишларни ғижирлатишга бош миянинг етарлича қон билан таъминланмаётгани ва бош чаноғи ичида қон босимининг юқорилиги ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Болани текшириб кўрмай туриб, сиртдан бирор нарса дейиш қийин. Шунинг учун қуйидаги текширувлардан ўтиш керак:

❋ қон таркибида турли паразитлар (жумладан гижжалар)га қарши антижисмлар мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш;

❋ бош чаноғи ичида қон босимининг меъёрини аниқлаш учун товушли энцефалография ёки нуқтали тимпанометрия кўригидан ўтиш.

❋ мияда гипоксия(кислород етишмовчилиги) йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун бош ва бўйин томирларини УЗИдан ва нуқтали текширувдан ўтказиш.

❋ касалликнинг ўқтин-ўқтин тутиб қолмаётганини билиш учун ЭЭГ (электроэнцефалография) ва видеомониторинг кўригидан ўтиш.

- Баъзи-баъзида ўғлимнинг ҳарорати 35 даражагача тушиб кетади. Бунга нима сабаб бўлиши мумкин?

Раъно СОБИРОВА, Хоразм вилояти.

- Одатда, иммунитети паст болаларда ҳароратнинг ҳам пасайиши кузатилади. Фарзандингизда камқонлик бўлиши ҳам мумкин. Шу боис сизга кечиктирмай болалар шифокорига мурожаат этишни маслаҳат берган бўлардик.

Аммо бунга айрим касалликлар боис боланинг тез чарчаб қолиши, уйқусининг бузилгани, ҳиссий беқарорлиги сабаб бўлаётган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун куннинг иккинчи ярмида боланинг жисмоний фаоллигини имкон қадар чеклаш керак.

- Ўғлим 2 ёшда. Эрталаб уйғонганида киприклари йирингдан бир-бирига ёпишиб қолган бўлади. Кун давомида эса ана шундай йиринг кўзларининг икки четида пайдо бўлади. Бунинг устига эрталаб тинмай йўталади. Нима қилсам экан?

Мунира БОБОЕВА, Термиз шаҳри.

- Эҳтимол, ўғлингизда вирусли конъюнктивит бўлса керак. Қолаверса, унда ОРВИ аломатлари ҳам кузатилмоқда. Офтальмоферонли кўз томчиларидан фойдаланиб, 10 кун муолажа ўтказинг. Бунинг учун болангизнинг кўзларига кунига тўрт маҳал бир томчидан ана шу доридан томизиб турасиз. Агар муолажанинг учинчи кунига бориб ижобий ўзгариш кузатилмаса, фарзандингизни шифокорга кўрсатинг.

- Қизим 5 ёшда. Унинг юраги тез уради, томир уриши одатдагидан юқори. Нима маслаҳат берасизлар?

Гулбаҳор КЕНГАШЕВА, Сирдарё вилояти.

- Беш яшар бола учун бир дақиқада 100 марта томир уриши нормал ҳол ҳисобланади. Катта ёшдагиларда эса бу меъёр бир дақиқада 70-80 мартага тенг. Болаларда томир уришининг дам тез, дам одатдагидан секин бўлиши табиий ҳол. Чунки боланинг юраги воқеа-ҳодисалар ва зўриқишларга катталарга нисбатан кучлироқ муносабат билдиради. Сизни фарзандингизнинг соғлиғи чиндан ҳам хавотирга солаётган бўлса, кардиограмма қилдиринг.

ДАРМОН тайёрлади.

ОҒРИҚ

Гуллола никоҳ кўйлагида бирам очилиб кетдики, ёнидаги дугоналари ҳам кўз узолмай қолишди.

- Зари, сочимни ўзинг тўғрилаб қўй.

Зарифа бир қўллаб эпчиллик билан у ер-бу ерини турмаклай бошлади.

Онаси Хонзода опанинг жаҳли чиқди.

- Нима, шу ўртоғингдан соғроғи йўқми, ўзи қай аҳволда-ю, сени...

- Ойи ,бу нима деганингиз?..

Зарифанинг қўлидаги тароқ тушиб кетди. Кўзлари ёшга тўлди. Шалвираб турган узун енгининг учини аранг ушладию хонадан ўқдай отилиб чиқиб кетди.

- Зари, тўхта! - Гуллола дугонасини қайтаришга сўз тополмади. Ортига ўгирилди.

- Ойи, намунча дилозорсиз? Энди мен Зарифага қай юз билан қарайман.

- Кўп ҳиқиллайверма. Куёв жўралар айтмайдими, тузукроқ дугонаси йўқ экан деб. Ана Севар ўртоғинг ёнингда юрса қандоқ яхши.

- Ойи, ким билан дугона бўлишни ўзим биламан, - қиз юзини терс бурди.

- Қўй, энди кайфиятингни туширма,-уни ўртага олиб тасалли беришди қизлар.

Гуллола онасининг шарт-такилиги учун уятдан қизарди.

Зарифа аччиқ ёшини ичига ютди. Бўғзини нимадир куйдирди.

Қулоқлари шанғиллайверди, қандай уйга етиб келганини сезмади.

Айвонда кўрпа қавиб ўтирган Маҳпират хола кўзойнаги остидан қизига қаради-ю, ҳайронлиги ошди.

- Ҳа, тинчликми, қизим?

- Бошим оғриб, бўшашиб кетяпман. Бироз дам оламан.

- Ҳозиргина дуруст эдинг-ку, болам?

Зарифа елкасини қисди. Уйга кира солиб ўзини диванга ташлади. Юзига ёстиқни босиб, ўксиб-ўксиб йиғлади.

Онаизор қизининг тушкун кайфиятини сезиб икки-уч бор хабар олди-ю, лекин нима гаплигини сўрашга ботинолмади.

Кунлар ўтди. Зарифа хафаликни йиғиштириб, дугонасини йўқлади. Атлас кўйлакда ял-ял ёниб, рўзғор ишларини қилиб юрган Гуллола ўртоғини кўриб, кўзлари севинчдан порлади. Бироқ уйга киргач, гаплари қовушавермади. Ўша кунги воқеа учун узр сўради.

- Қўйсанг-чи, Гули. Аллақачон унутиб юборганман, - деб ўртадаги вазиятни юмшатди.

Гуллола дугонасини маҳкам қучди.

Аслида юракда ўрнашиб қолган ўша совуқ сўз ҳали ҳам Зарифанинг аъзойи баданини қақшатиб турарди. Яхшиям севган иши бор, кечгача талабалар атрофида гирдикапалак. Зарифа қиз бола икки қўли билан ушдалайдиган ишни бир қўллаб ҳам қилаверади. Фақат...

Зарифа олийгоҳни тугатиб, ўша жойда ишга қолди. Онаизор қизининг ўз йўлини топиб олганидан хурсанд. Гоҳида ишдан кеч қайтганида Маҳпират холани ваҳима босади. Бу кеча ҳам кўчага кўз тикиб қолди.

- Келдингми, болам, бирам хавотир олдимки...

- Ваҳимангиз нимаси, ойи, менга кимнинг ҳам кўзи учиб турибди.

- Ундай дема, болам.

- Худо хохласа...

Зарифа ўша кеча яхши ухлай олмади. Эрталаб эса эзгин кайфиятда уйғонди. Ишга кетаётиб, хунук хабар эшитди. "Гуллола фарзанд кўрибди. Бир қўли тирсагидан йўқ эмиш».

Зарифанинг хаёлига Гулланинг никоҳ тўйидаги онаси айтган сўзлар келди-ю этлари жимирлаб кетди...

ҚАРЗ

Ҳикоялар

Мақсуд ота бугун алланечук ҳорғин кайфиятда уйғонди: "Ҳар нечук фарзандларимдан кўнглим тинч. Лекин нимадир қилишим керак. Улгурмаган нима ишим бор-а?"

Умри меҳнатда ўтган, бола бўлиб ота-она меҳрини билмай болалар уйида катта бўлган, оқ-қорани ўша ерда таниган отанинг кўз олди қоронғулашди.

Болалигида ҳам нимадир етишмасди. Ҳамма нарса бисёр бўлса-да, нимадандир кўнгли тўлмасди. Атрофида парвона бўладиган энагаларнинг айланиб ўргилишлари ҳам вақтинчалик туюларди.

Тун пардаси ёйилганда мижжаларига уйқу инмасди, кўзини юмиб ётарди. Хаёлан ўзини онасининг бағрида сезарди. Бошини силаётган иссиқ кафт тафтидан энтикиб уйғонарди. Аланг-жаланг атрофга қараганда, тепасида меҳрибон энагасини кўрарди.

- Онанг айлансин болам, нима бўлди сенга? - дея пешонасидаги терларни артарди-да, ўзи ҳам четга қараб, кўз ёшини тиёлмасди. Бора-бора болалар уйига ҳам кўникди.

Вақти келиб, қадрдон уйи билан хайрлашганда, кўз ёшини яширолмаганди. Энди билса, болалиги ўтган бу уй кемтик қалбини тўлдириб турган экан.

Йиллар ўтди, яхши одамлар кўмагида уйланди. Уй-жой қилди. Ҳамма нарсага ҳалол меҳнат билан эришди. Айниқса, уйидан чақалоқ "инга"си эшитилганда кўнгли ғурурга тўлди. Оталик ҳиссини туйди. Ишдан ҳориб келганда, болаларининг шўхликлари билан чарчоғини унутди. Йиллар ўтиб, фарзандлари бўйи етганида яхши ният билан тўй ҳаракатига тушди. Тўй-тўйга уланди, шукурки ёлғизлиги билинмади. Ёнида тиргак бўлгувчи ўғил-қизлари борлигидан, яхши-ёмон кунларида елкадош бўлган умр йўлдошидан миннатдорлик ҳиссини туйди.

Бугун эса юрагининг дамо-дам санчиб туриши отага тинчлик бермади. Ким билади, қариганингдан кейин ўтган кунларингни сарҳисоб қилиб, "Бировда қарзим йўқми?" - дея барчасини хотирадан ўтказиш кўнгилга бироз таскин берар...

Куч-қувватининг борида болалари ҳам қийналмай, уй-жойини ростлаб олгани яхши бўлган экан. Энди тирикчилик аста-секин ўтаверади. Тунов куни ойнаи жаҳонда сағирхона болаларини кўрсатишганида юраги увишиб, кўзида ёш айланганди, болалиги эсига келди. Дераза олдида мунғайиб йиғлаётган болакайга ҳаётнинг аччиқ қисмати рўбарў келганлигидан, она меҳрини туймай ўтказаётган кунларидан ачиниш сездими, юраги санчиди.

Айниқса, ўғил болаларнинг суннат тўйини кўрсатишганида болаларга ўзимизнинг миллий тўн, чорси, дўппи кийгизилгани, "ўксинмасин", деб карнай-сурнай, ўйин-кулгулар билан тўйларни ўтказишгани беихтиёр отани ётган еридан қўзғатди. Нимадир эсига келгандай у ёқ-бу ёққа юра бошлади.

Улгурмаган иши, узилмаган қарзи унга тинчлик бермаётганини тушунди-ю, кампирини чақирди.

- Олиб чиқ, омонатимизни! Ҳозир ўладиган аҳмоқ йўқ.

Кампири чолига қараб, ҳеч нарсага тушунмади.

- Тинчликми ўзи, нима гап?

- Тинчлик, йиққан пулларимизни сағирхонага топширамиз. Болаларга биздан тўёна.

Мақсуд ота илдам юриб чиқиб кетар экан, ўзини енгил сезди...

ШАПАЛОҚ

Инсон туғилибдики, "ая", "дада" деб тили чиқади. Йўлга юриб "атак-чечак" қилганда ҳам ота-онасига қараб талпинади. Уларни кўриб турганлиги учун ҳам ўзида куч топиб, равон юришга ҳаракат қилади.

Пўлатжон йўлга юрганда ота-онаси ёнида тиргак бўлишди. Қоқиниб йиқилганда атрофида айланиб ўргилишди. Аввалги фарзандларидан эрта жудо бўлганлиги учун ҳам Пўлатжонни ору-кўкка ишонмай катта қилишди.

Умр оқар дарё экан. Фарзандининг болалиги ҳам бир зумда ўтиб кетгандек. Лекин Ойжамол опа учун ёлғиз ўғли ҳали ҳам боладек туюлаверади. Ишдан келди дегунча ўғлидан хавотирда. "Ишқилиб, ёмон болаларга қўшилиб қолмасин-да. Мактабни ҳам бир нави битираяпти. Яна ўқишни давом эттиришга эса тоби йўқ. Отаси эса уни ўқитиб "катта одам" қиламан дейди. Ишқилиб, болагинам яхши ўртоқлари қаторида униб, ўсса бўлгани".

Ойжамол опа катта бўлган сари ўғлининг муомаласидаги ўзгаришдан саросимада. Аввалари "ая", "дада" дея атрофида парвона бўларди. Негадир кейинги пайтда қўрс бўлиб қолди-да. Дарвоза очилиб, опанинг хаёллари бўлинди. Ишдан барвақт қайтган Қодир ака ўғлини, унинг юриш-туришини сўради. Жўяли жавоб ололмагач, "уф" тортди.

- Биласанми, дўстим Ҳошимжоннинг уйига боргандим. Пўлатжон тенги ўғли бор. Бирам одобли, саломсиз юрмайди. Отаси нима деса, "хўп бўлади", деб қўли кўксида туради. Ўша ерда ўтирибман-у, ўрнига ўзимнинг ўғлимни қўйдим. Негадир хафсалам пир бўлиб кетди. Яхши ота бўлолмадим, шекилли. Сенга қўшилиб мен ҳам айтганини қилиб, эркалатиб юбордим. Ҳеч нарсадан ҳайиқмайдиган бўлиб қолди. Ўзидан катталарни кўрганда салом беришни билмайди.

Қодир ака яна нимадир демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади-ю, айтолмай ичкарига кириб кетди.

Алламаҳалда уйга қайтгач, Пўлатжонни бир аҳволда кўрган онаси лабини тишлади. Кўрсаткич бармоғи билан "жим" ишорасини қилиб, отаси уйда эканлигини билдирди.

- Бобой уйдами? - деди онасининг "жим" деганига парво қилмай.

- Вой, болам, нега "бобой" дейсан? Эшитса хафа бўлади-я.

- Нимагаям ақли етарди, - дея ўхшовсиз тиржайди ўғил.

Тарақлаб очилган эшикнинг зарбидан Ойжамол опанинг юраги ҳаприкди.

- Кечиринг, дадаси, билмай оғзидан чиқиб кетди, - дея ўғлига қараб "кечирим сўра" дегандай қўли билан ниқтади. Қодир аканинг ранги оқариб, остонадан ҳатлолмай қолди. Ҳали ҳам безрайиб турган ўғлига қараб дарғазаб бўлди.

- Шу ёшга киргунча "дада" деб чақирдинг, энди "бобой" бўлдимми? Ҳали ақлимиз ҳам етмайдиган бўлиб қолдими?

Қодир аканинг мушт бўлиб тугилган қўллари қалтирай бошлади.

- Сенинг туғилганингдан буёғига ақлинг етса, мен сен туғилмасдан бурун ҳам ақл билан иш тутганман. Шуни ёдингда тут, - дея Қодир ака эшикни қарсиллатиб ёпди.

Пўлатжон шапалоқ тортилгандай юзини чангаллади...

"ОЙИМДАН ЭШИТМАГАНДИМ..."

Кечки овқат пишгунга қадар кир ювишга тутинган Барчиной қайнонасининг ғудранганини эшитиб асабийлашди.

- Яна нима қилиб қўйибман, ойи?

- Бугун пайшанба. Қолаверса, "шомда кир ювиб бўлмайди", деб неча марта айтдим, ҳеч қулоғингизга олмадингиз-да.

- Ахир ишда бўлсам, қўлим текканда ювараман-да. Ёш боласи борларга, ишлаётганларга қийин, - дея тоғорадаги мағзавасини тўкди у.

- Шу ҳовлидан ўтганларнинг юзига сочгандай бўлдингиз-а, - дея бош чайқади қайнонаси.

- Вой, ойи-ей, ҳайрон қоламан-да сизга. Ҳар бир куннинг ўзига яраша хосияти бор, дейсиз. Ҳали "кеч кирганда кир ювманг", ҳали "тирноқ олманг", ҳали "уй супурманг" - бунақа гапларни ойимдан эшитмагандим. Энди эса бу ош, нонимиз бўлиб қолди, - зарда қилди Барчиной.

Меҳри хола келинига оддий нарсаларни тушунтиролмаётганидан афсусланди: "Наҳотки, қудам айтмаган бўлса?!"

Зумрад АБДУЛЛАЕВА,
Андижон шаҳри.

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 20.00. Босишга топширилди - 21.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 934. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 11000
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

23456